

## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

### КИРИШ

|                                                                                                                |    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 1- БОБ. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ<br>БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ<br>АСОСЛАРИ..... | 8  |
| 1.1. Меҳнат бозорини ўрганишнинг назарий-услубий асослари.....                                                 | 8  |
| 1.2. Инновацион тараққиёт йўлига ўтишда меҳнат бозори.....                                                     | 16 |
| 1.3. Инновацион иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларидан фойда-<br>ланиш йўналишлари.....                     | 24 |
| 2 – БОБ. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ<br>ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХОЗИРГИ<br>ҲОЛАТИ..... | 32 |
| 2.1. Аҳолини иш билан таъминлашнинг моҳияти ва шакллари.....                                                   | 32 |
| 2.2. Аҳолини иш билан таъминлашдаги таркибий ўзгаришлар.....                                                   | 40 |
| 2.3. Иш ўринларини ташкил этиш аҳоли бандлигини оширишнинг асосий<br>омили сифатида.....                       | 47 |
| 3 - БОБ. ВИЛОЯТДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА<br>РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....                              | 54 |
| 3.1. Вилоятда меҳнат бозори шаклланишининг демографик жихатлари..                                              | 54 |
| 3.2. Вилоятда ишчи кучларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари.....                                             | 61 |
| 3.3. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг асосий йўналишлари ва<br>истикболлари.....                             | 68 |
| ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....                                                                                       | 77 |
| Фойдаланилган адабиётлар .....                                                                                 | 81 |
| ИЛОВАЛАР                                                                                                       |    |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий қайта қуриш мақсадларини амалга ошириш меҳнат бозори муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш имкониятларини яратади. Дарҳақиқат, мазкур муаммоларнинг республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ролига тўхталган ҳолда Президент И.Каримов “..Ҳеч кимга сир эмас, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатларига кўра, аҳоли бандлиги масалалари ўзининг долзарблиги ва ўткирлигини сақлаб қолмоқда”<sup>1</sup> деб таъкидлайди.

Республикамизда амалга оширилаётган бозор ислохотларини жадаллаштиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган ресурслардан оқилона фойдаланиш муҳим ўрин тутadi. Иқтисодиётни ривожлантиришда зарур бўладиган ресурслар ичида мамлакатимиз инсон ресурсларига бойлиги билан ажралиб туради. Лекин бу ресурслардан унумли фойдаланиш, уларнинг сифат жиҳатидан бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган таркибини шакллантириш, бу ресурсларни иқтисодиёт эҳтиёжларига мос равишда тармоқлар ва минтақалар бўйича оқилона жойлаштириш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш, бу йўлда изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсат олиб бориш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда республиканинг иқтисодий сиёсати иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга, юқори самарали ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни яратишга қаратилган. Президент И.А. Каримов «Жаҳон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 20 январь 2012 йил.

молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.<sup>2</sup>

Хоразм вилояти меҳнат бозоридаги вазиятнинг ҳозирги даврдаги ўзгаришлари ва бунда меҳнат ресурслари сони ошиб боришининг юқори суръатлари, ишчи кучига талаб билан унинг таклифи ўртасидаги номуаносиблик, ишсизликнинг миқдори, меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигининг ошиши, янги касбларнинг пайдо бўлиши, мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши ва бандликнинг муқобил турлари кўпайиши, яширин ишсизликнинг мавжудлиги ва ишчи кучи салоҳиятининг ошиб бориши каби бандлик соҳасидаги жараёнларнинг жадаллашуви, шунингдек, инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида меҳнат салоҳиятининг интеллектуал ва касбий-малакавий сифатларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг муҳим аҳамият касб этиши билан тадқиқотнинг ижтимоий-демографик ва инновацион жиҳатлари долзарблиги намоён бўлади.

Шунингдек, бундай тадқиқотнинг зарурлиги Хоразм вилоятининг яхлит минтақа сифатидаги, тарихан юзага келган табиий, иқтисодий, ижтимоий-демографик ва географик жиҳатлари, шу кунгача амалга оширилган тадқиқотларнинг фақат минтақада меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва аҳолининг демографик ривожланишига бағишланганлиги, инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида минтақа меҳнат бозорини тартибга солиш ўрганилмаганлиги, мазкур бозордаги муаммоларни ечишда янгича ёндашувнинг зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот иши мавзуси республикамізда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг ҳамда республикамізни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келади. Тадқиқотнинг

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

илмий-назарий ва услубий асослари бўлиб, меҳнат бозори, уни ривожлантириш ва тартибга солиш масалаларига бағишланган Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, меҳнат бозори ривожланишини бошқариш, рағбатлантириш ва тартибга солувчи бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мазкур соҳани ривожлантириш ва янада такомиллаштириш, янги босқичларга олиб чиқишга бағишланган фундаментал асарлари, маърузалари, хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг бевосита меҳнат бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш муаммоларига оид илмий асарлари ҳамда тадқиқотлари хизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда, МДХ ва бошқа хорижий мамлакатларнинг иқтисодий адабиётларида меҳнат бозори, бандлик ва ишсизлик муаммолари, меҳнат бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, назарий-услубий ва амалий жиҳатларига бағишланган ишлар кенг ўрин олган. Жумладан, хорижлик ва МДХ иқтисодчи, демограф ва социолог олимларидан меҳнат бозори муаммолари билан Т.Заславская, В.Костаков, Л.Костин, А.Котляр, Ю.Одегов, Н.Римашевская, М.Сонин, С.Струмилин, А.Топилинлар меҳнат бозорининг турли ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини, услубий муаммоларини тадқиқ этишган.

Ўзбекистонда меҳнат бозори, бандлик ва ишсизлик муаммолари, меҳнат бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари Президентимиз И.А.Каримовнинг фундаментал илмий асарлари ва маърузаларида кенг ёритилган.

Республикамизда меҳнат ресурслари, меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги, демографик муаммолари Қ.Абдурахмонов, Р.Убайдуллаева, С.Ғуломов, Ш.Холмўминов, Н.Алиакберова, О.Ата-Мирзаев, Л.Максакова, Д.Ортиқова, Н.Зокирова, З.Худойбердиев, Ф.Мамарасулов, Х.Абулқосимов, Б.Муртазаев, Р.Муртазина, Н.Шоюсупова, Д.Расулова, А.Ташпулатов, А.Қаюмов ва бошқа олимлар асарларида кенг ёритилган.

Юқорида номлари тилга олинган республикамиз олимларининг

тадқиқотларида миллий ва минтақавий даражаларда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида аҳоли бандлиги муаммолари етарлича тадқиқ этилмаган. Шунингдек, иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги, инновацион ривожланишга ўтиш даврида Хоразм вилояти меҳнат бозорини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини тадқиқ этиш орқали минтақада меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш зарурияти тадқиқотлар йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқот ишининг мақсади.** Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида мамлакатимиз ва Хоразм вилояти меҳнат бозори ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари ва тенденцияларини аниқлаш, ҳамда минтақада аҳоли бандлигини ошириш бўйича илмий амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот ишининг вазифалари.** Тадқиқот ишининг олдида қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- инновацион ривожланишга қаратилган назарий ёндашувларни ўрганиш ва ривожланиш методологиясини меҳнат салоҳияти юқори бўлган минтақага тадбиқан қўллашни асослаб бериш;
- инновацион иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарали имкониятларини ўрганиш;
- вилоятда ишчи кучларидан фойдаланишнинг демографик жихатлари ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;
- меҳнат бозорини тартибга солишнинг асосий йўналишлари ва механизмларини асослаб бериш

**Тадқиқот объекти.** Мамлакатимиз ва Хоразм вилоятида аҳоли бандлигини ошириш борасидаги фаолият ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети.** Инновацион иқтисодиёт ривожланиши шароитида аҳоли бандлигини ошириш жараёнида содир бўлаётган иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот давомида абстракт-мантиқий, монографик, ҳисоб-китоб-конструктив, иқтисодий-статистик, индексли, қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқот гипотезаси.** Аҳоли бандлигини оширишга оид таклиф этилган илмий - амалий тавсиялар мамлакатимиз ва Хоразм вилояти меҳнат бозорида инновацион ривожланиш шароитида аҳолини иш билан таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш имконини беради.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

- иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацион ривожланиш шароитида аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ижобий ўзгаришларнинг моҳияти асослаб берилади;

- иш ўринларини ташкил этиш бўйича амалга оширилган чора тadbирларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ёритиб берилган:

- вилоятда меҳнат ресурслари тез суръатларда ўсиб бораётган шароитда ишчи кучларидан фойдаланишнинг демографик жихатлари асослаб берилиши бу жараёни самарали ташкил қилиш имконини беради;

- меҳнат бозорини тартибга солишнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари белгилаб берилган ва уни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Илмий янгилиги.** Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- инновацион иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўналишлари стратегиясини шакллантиришга қаратилган услубий ёндашувлар ишлаб чиқилди;

- аҳолини иш билан таъминлашнинг моҳияти очиқ берилди ва инновацион иқтисодиёт шароитида аҳоли бандлиги тушунчасига такомиллашган таъриф берилди;

- вилоятда ишчи кучларидан фойдаланишнинг демографик жихатлари ҳал қилувчи омиллар эканлиги аниқланди;

- меҳнат бозорини тартибга солишнинг асосий йўналишлари ишлаб

чиқилди ва истиқболларини белгилаш бўйича таклифлар киритилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида аҳоли бандлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар вилоятда меҳнат бозори муаммоларини оқилона ҳал қилиш, аҳоли бандлигини ошириш бўйича ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртларида «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси», «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш», «Аҳолининг иш билан бандлиги» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан амалиётга жорий қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация иши Урганч давлат университети, Иқтисодиёт факультети ва “Туризм” кафедраси қошидаги илмий семинарларда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижалари 7 республика илмий амалий конференцияларида маъруза ва тезислар кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий тадқиқотнинг асосий натижалари 5,2 босма табоқдан иборат, 4 та мақола, 3 та тезис кўринишида ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар, 18 та жадвал ва 2 та расмдан иборат. Диссертация матни 85 бетни ташкил этади.

# **1- БОБ. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Меҳнат бозорини ўрганишнинг назарий-услубий асослари**

Меҳнат бозори, ишчи кучидан фойдаланиш борасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимидан иборат бўлиб, ҳар қандай мамлакатда иқтисодчилар ва сиёсатчиларнинг кучли диққат эътибори остида бўлади, чунки бу бозордаги товар бўлган ишчи кучи инсоннинг ўзи билан унинг ҳаёти, фаровонлиги, ривожланиши ва такрор барпо бўлиши билан бевосита боғлиқдир. Ҳар бир жамиятда ишлашни хоҳлайдиган аҳоли мавжуд бўлади, унга банд бўлган аҳоли билан биргаликда ишсизларни ҳам киритиш мумкин. Аммо, россиялик иқтисодчи А.В.Топилин<sup>3</sup> фикрича, жиддий илмий нуқтаи-назардан меҳнат бозорининг ўзи тўғрисида эмас, балки ишчи кучининг ўзи тўғрисида гапириш лозим, чунки К.Маркснинг хулосасига кўра меҳнат эмас, балки ишчи кучи олди-сотди объекти ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда “меҳнат бозори”, “ишчи кучи бозори” тушунчаси билан синоним ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотимизда меҳнат бозорига нафақат ишсизлар ва бандлар, балки бутун иқтисодий фаол аҳоли киритилиши зарур деган ёндашувга асосланамиз.

Шундай қилиб меҳнат бозори – бу ишчи кучини такрор барпо қилишнинг ҳамма босқичларида: уни сони ошиб бориши (ижтимоий-демографик жиҳатлари, янги ишчи кучи), айирбошланиши (олди-сотди ҳодисаси), тақсимланиши (ишчи кучининг ижтимоий, касбий ва ҳудудий ҳаракати) ва ундан меҳнат соҳасида фойдаланишда ишчи кучи билан иш берувчи ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, меҳнат бозорининг шаклланиши, шу билан биргаликда аҳоли бандлиги ва ишсизлиги муаммолари ишчи кучи, меҳнат ресурслари, меҳнат салоҳияти, миграция салоҳияти, инсон ресурслари ва бошқа шу каби иқтисодий категориялар билан боғлиқдир.

---

<sup>3</sup> Топилин А.В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития. М., 2004. С.11.

Ишчи кучи – бу меҳнат қилишга қодирликдир, ва у, эгаси ишлаб чиқариш жараёнида иштирок қилгандагина намоён бўлади. Айтиб ўтиш керакки, “ишчи кучи” тушунчасининг моҳияти фақат амалдаги хўжалик тизимини очиб бериш зарурлиги нуқтаи-назарида муҳимдир, “меҳнат салоҳияти“ бу доирадан чиқиб, аҳолининг ҳали фойдаланилмаган салоҳиятидан истиқболда такрор барпо қилиш жараёнини кучайтириш мумкинлигин англатади. Шундай қилиб, “меҳнат салоҳияти“ анъанавий ишчи кучи категориясига нисбатан меҳнатга фаол аҳоли имкониятларини акс эттиради ва ундан турли кўрсаткичлар билан ва меҳнатга қодирликнинг қўшимча заҳиралари билан фарқ қилади, улар инсоннинг турли сифатлари, ҳамда кишиларнинг жамоавий фаолияти натижаларида намоён бўлади.<sup>4</sup> Бундан ташқари, “ишчи кучи” ва “меҳнат салоҳияти“ тушунчалари билан моҳияти жиҳатидан ўхшайдиган яна бир тушунча – бу, “меҳнат ресурслари “ бўлиб, у мамлакат аҳолисининг бир қисми бўлиб, халқ хўжалигида ишлаш учун зарур жисмоний ривожланишга, билимга ва амалий тажрибага эга бўлади. Меҳнат ресурсларига бандларни ҳам, истиқболдаги ишчиларни ҳам киритадилар.

Хорижда “инсон ресурслари” тушунчаси ишлатилади, у “меҳнат ресурслари” тушунчасига ўхшашдир. Ҳар бир мамлакатда жамиятнинг ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан аҳоли ва меҳнат ресурслари таркибида бўлган инсон ресурсларининг ҳолати билан аниқланади. Меҳнат ресурсларининг асосий қисмини меҳнатга яроқли ёшдаги аҳоли ташкил қилади. Меҳнатга яроқли ёш ва меҳнат ресурсларининг ижтимоий-демографик таркиби миллий қонунчилик билан белгиланиб, у ҳар мамлакатда ҳар-хилдир. Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра меҳнатга яроқли ёшлар бўлиб 16 ёшдан 59 ёшгача эркаклар учун, ва 16 ёшдан 54 ёшгача аёлларга белгиланган. Меҳнат ресурслари таркибига I ва II гуруҳ ногиронлари ва муддатидан олдин пенсияга чиқиб ишламайдиган пенсионерлар (5 ва ундан кўп бола туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган

---

<sup>4</sup> Егоров В.Д. Трудовой потенциал населения: формирование и использование в условиях реформирования экономики / Науч. ред. Л.И.Липатова – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2003, С.27.

аёллар, болаликдан ногиронларни 8 ёшгача тарбиялаган оналар, ва меҳнат стажидан қатъий назар 50 ёшга етганда пенсия оладиган аҳолининг баъзи катламлари: оғир ва зарарли меҳнат билан шуғулланадиганлар – аёллар 45-50 ёшда, эркеклар 50-55 ёшда пенсияга чиқадиладар). Шу билан биргаликда, меҳнат ресурсларига пенсия ёшида ишлаётган қариялар ва ишлаётган ўсмирлар ҳам киритилади. Бинобарин, меҳнат ресурсларини реал ва истиқболдаги деб қараш мумкин. Реал меҳнат ресурслари – булар, аҳолининг иш билан банд қисми; истиқболдаги меҳнат ресурслари эса – ишламайдиган, лекин меҳнатга яроқли қисми.

Демографик жараёнлар меҳнат салоҳиятининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади, бу эса унинг ривожланишида акс этади. Масалан, В.Д.Егоровнинг<sup>5</sup> сўзларига қараганда, аҳолининг кенгайтирилган такрор барпо бўлиш жараёни шароитида ҳар бир кейинги авлод меҳнат салоҳиятининг миқдорини кўпайтиради, салбий ёки нуль демографик ўсишда эса меҳнат салоҳиятининг ўзгариши асосан сифат кўринишида бўлиб, меҳнат ва тақсимот муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан белгиланади.

“Меҳнат салоҳияти” тушунчаси меҳнатга фаол аҳолининг кенг имкониятларини акс эттиргани учун, меҳнат салоҳиятини такрор барпо қилиш механизмини анча чуқур қараш зарур бўлади, чунки бу меҳнат бозори ҳолатини баҳолаш ва башоратлаш учун асос бўлиб хизмат қилади, бинобарин, меҳнат ресурсларини бошқаришнинг стратегияси ва тактикасини аниқлаш имконини беради.

Меҳнат бозори соҳасидаги айрим тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда<sup>6</sup>, меҳнат салоҳияти учта асосий: демографик, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик каби кичик тизимларда барпо бўлади. Ҳар бир

---

<sup>5</sup> Егоров В.Д. Трудовой потенциал населения: формирование и использование в условиях реформирования экономики / Науч. ред. Л.И.Липатова – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2003, С.31-32.

<sup>6</sup> Егоров В.Д. Трудовой потенциал населения: формирование и использование в условиях реформирования экономики / Науч. ред. Л.И.Липатова – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2003, С.27., Коровкин А.Г. Динамика занятости и рынка труда: вопрос макроэкономического анализа и прогнозирования. – М., МАКС Пресс, 2001.

кичик тизим ўз таркибига эга ва ўз қонуниятлари асосида ривожланади, аммо бу тизимлар ўзаро узлуксиз боғланиб турадилар ва ўзига хос ташқи таркибни яратади, у эса меҳнат салоҳиятининг сифатини шакллантиради.

Меҳнат бозоридаги вазиятни тадқиқ қилиш ва башоратлашда бинобарин, меҳнат салоҳияти ва меҳнат ресурсларини бошқаришда стратегия ва тактикани аниқлашда муҳим жиҳат бўлиб аҳоли бандлиги ҳисобланади, чунки бошқариш ва режалаштириш эҳтимолий мазмунга эга ва муайян минтақадаги ишчи кучига талаб ва таклифга, бандлик даражасига, аҳолини ишга жойлаштириш жараёнини ташкил қилишга ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Бандлар сони бўйича маълумотлар иқтисодиётнинг умумий ҳолати ва фаолият кўрсатиш натижаларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади, уларни умумлаштирилган кўрсаткичлар деб атайдилар ва уларга ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва ишсизлар сони ҳам киритилади.

Жадвал 1.1.1.

### Меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги кўрсаткичлари, минг киши

|                                           |                               | Йиллар  |         |         |         |         |
|-------------------------------------------|-------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
|                                           |                               | 2007    | 2008    | 2009    | 2010    | 2011    |
| Меҳнат ресурс-<br>лари сони, минг<br>киши | Ўзбекистон Республикаси       | 15219,6 | 15644,9 | 16123,6 | 16504,2 | 17309,8 |
|                                           | шу жумладан Хоразм<br>вилояти | 823,3   | 847,7   | 874,1   | 892,8   | 922,4   |
| Иш билан банд<br>аҳоли сони               | Ўзбекистон Республикаси       | 10735,4 | 11035,4 | 11328,1 | 11628,4 | 11919,1 |
|                                           | шу жумладан Хоразм<br>вилояти | 553,6   | 571,1   | 583,0   | 606,7   | 625,2   |
| Иш билан<br>таъминлашга<br>муҳтожлар      | Ўзбекистон Республикаси       | 563,8   | 567,7   | 631,5   | 628,2   | 622,4   |
|                                           | шу жумладан Хоразм<br>вилояти | 28,1    | 28,0    | 35,1    | 33,6    | 34,6    |

\*Труд и занятость в Узбекистане. Статистический сборник. Ташкент 2011.

Ишчи кучининг умумий ҳажмида банд бўлганлар сонининг нисбий кўрсаткичи бандлик даражаси ҳисобланади ва у меҳнатга яроқли аҳоли билан

ишчи ўринлари сони ўртасидаги нисбатга, ҳамда ишчи ўринларининг ишчилар касби, мутахассислиги, иш тажрибаси, билимлари ва кўникмасига мос келишига боғлиқдир.

Хозирги кундаги бандлик даражаси иқтисодиётнинг турли тармоқларида турличадир. Иқтисодиёт тармоқларини бандлик даражаси етарлича барқарор бўлган соҳаларга: қишлоқ хўжалиги (мавсумийлигини ҳисобга олмаганда), давлат сектори, чакана савдо, молиявий сектор кабиларга, ва бандлик даражаси анчагина тебраниб турадиган тармоқларга, масалан, қайта ишлаш саноати, қурилиш, юк транспорти кабиларга ажратиш мумкин (1.1.2-жадвал). Бундан ташқари, касблар ва мутахассислар бандлиги нуқтаи назаридан нисбатан барқарор бўлган ва кам барқарор бўлган (малака талаб қилмайдиган меҳнат) тармоқларга ажратиш мумкин. Агар иқтисодий пасайиш туфайли барқарор касблар ёки тармоқлар ишчилари ўртасида ишсизлик ошса вазият оғирлашганлигини билдиради.

Жадвал 1.1.2.

**Хоразм вилоятида банд аҳолининг тармоқлар бўйича тақсимланиши**

|                                                       | Минг киши    |              |              |              |
|-------------------------------------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|                                                       | 2007         | 2008         | 2009         | 2010         |
| <b>Жами</b>                                           | <b>553,6</b> | <b>571,1</b> | <b>588,2</b> | <b>606,7</b> |
| <b>Шу жумладан</b>                                    |              |              |              |              |
| Саноатда                                              | 44,8         | 45,2         | 45,5         | 45,6         |
| Қишлоқ ва ўрмон хўжалигида                            | 215,2        | 216,0        | 186,3        | 204,2        |
| Қурилишда                                             | 53,8         | 55,1         | 58,1         | 60,8         |
| транспорт ва алоқада                                  | 21,0         | 21,9         | 23,1         | 24,3         |
| савдо, умумий овқатланиш, тайёрлаш ва сотишда         | 52,5         | 54,7         | 55,1         | 56,0         |
| уй-жой коммунал хизматларида                          | 18,9         | 19,3         | 19,7         | 20,2         |
| соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот | 35,1         | 35,9         | 35,9         | 36,1         |
| Таълим, маданият ва санъат, фан                       | 79,3         | 80,6         | 81,0         | 81,3         |
| молия, кредит, суғурта                                | 2,9          | 2,9          | 3,1          | 3,3          |
| бошқа тармоқлар                                       | 30,1         | 39,6         | 80,4         | 74,9         |

\*Труд и занятость в Узбекистане. Статистический сборник. Ташкент 2011.

Бандликнинг икки хил тури: тўлиқ ва қисман бандлик мавжуд. Тўлиқ бандлик – бу халқаро меҳнат ташкилоти белгилаши бўйича – меҳнат бозорига чиққан ҳамма шахслар ва иш қидираётганлар унга эга бўлгандаги

бандлик даражасидир. Унга ишчи кучига талаб ишчи кучининг таклифи бир-бирига мос келганда эришилади. Тўлиқ бандлик меҳнатга яроқли аҳоли ишчи ўринлари билан деярли тўлиқ таъминланганлигини билдиради. Қисман бандлик тўлиқ бўлмаган иш куни бўйича ва мавсумий ишларга жойлашишни англатади. Шунини айтиш мумкинки, айнан қисман бандлик, ҳозирги кунда ишсизлик пайдо бўлишининг асосий манбаидир.

Бундан ташқари, меҳнат бозорида ишчилар бандлигининг ноанъанавий ташкилий-ҳуқуқий шартларини қўллашга асосланган ёки бандликнинг мослашувчан турлари каби ишчи кучидан фойдаланишнинг шакллари ҳам мавжуддир. Бандликнинг мослашувчан шакллари:

- мослашувчан иш вақти тартибига эга бўлган бандлик;
- ишчиларнинг ижтимоий мақоми билан боғлиқ бўлган бандлик:

мустақил ишчилар ва унга ёрдам берувчи оила аъзолари;

- ноанъанавий иш ўринлари ва меҳнатни ташкил қилиш билан боғлиқ ишлардаги бандлик: касаначилик, чақирув бўйича ходимлар, вахта-экспедиция шакллари;

- ноанъанавий ташкилий шаклдаги бандлик: вақтинчалик ишчилар, мавсумий ишчилар.

Аҳоли бандлиги соҳасидаги ва меҳнат бозоридаги ҳозирги ҳолат қуйидаги муҳим омилларга боғлиқдир. Авваламбор, бу демографик омил. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2010 йилда доимий аҳоли сони 28,5 млн. кишини ташкил қилиб, 2000 йилга нисбатан 3,8 млн кишига, яъни 15,4 % га кўпайган. Демографик юклама кўрсаткичи 2000 йилда ҳар 100 та меҳнат ёшидаги аҳолига 92 та меҳнат ёшига етмаган ва меҳнат ёшидан ошганлар тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 100 га 67 та тўғри келган.

Башорат даврида аҳолининг қариб бориши жараёни кучаяди, бу эса меҳнат ёшигача ва меҳнат ёшидан ошганлар нисбати ўзгаришига олиб келади. Ҳозирча, 1990 йиллардаги туғилишнинг юқори даражаси ва 2000

йиллардаги унинг пасайиши меҳнат ёшида бўлганларнинг кўпайишига ва меҳнат ёшигача бўлганларнинг улуши кам бўлишига сабаб бўлиб турибди.

Меҳнат унумдорлигини ошириб бориш, янги технологияларни қўллаш билан биргаликда ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим стратегик йўналиш бўлиб қолади.

Меҳнат бозорида юз бераётган жараёнларнинг катта оқибати бўлиб ишсизлик ҳисобланади, у умуман салбий, аммо амалда ижтимоий ҳаётнинг муқаррар ҳодисадир. Бозор муносабатлари шароитида ушбу товар – ишчи кучи сотилиши мумкин, лекин баъзан харидор топилмаслиги ҳам мумкин, бинобарин, унинг эгаси, ўзининг ижтимоий мақомига кўра ёлланма ишчи – ишга эга бўлиши ҳам мумкин, эга бўлмаслиги ҳам мумкин, яъни ишсиз қолиши мумкин.

Ишсизлик, тор маънода, мамлакат аҳолисининг ишга яроқли ва ишлашни хоҳлайдиган муайян бир қисмининг иқтисодий сабабларга кўра банд бўлмаслигидир. Назарий жиҳатдан, ишсизлик – ёлланма ишчи билан иш берувчи ўртасида инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқини (меҳнат қилиш имконияти билан нафақат ҳаётий эҳтиёжларини, балки инсоннинг шахс сифатидаги кадр-қимматини юзага чиқаришни таъминлашни) амалга ошириш борасидаги муносабатларини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий категориядир.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисидаги” қонунига кўра ишсизлар деб, ишга ва иш ҳақига эга бўлмаган, давлат бандлик хизматларида иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтган, иш қидираётган ва ишга тушишга тайёр бўлган фуқароларга айтилади. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) андозаларига мувофиқ ишсизлар қаторига, аҳолининг иқтисодий фаоллиги меъёрлари билан белгиланган ёшдаги ва қуйидаги мезонларга жавоб берадиганлар киритилади: ишга (даромад келтирадиган машғулотга) эга бўлмаганлар; иш қидираётганлар, яъни давлат ёки хусусий бандлик хизматларига мурожаат қилганлар, матбуотда эълон берганлар, ташкилот маъмуриятига ёки иш берувчига бевосита учрашганлар,

Ўз бандлигини ташкил қилиш учун (ер, бино, машина ва ускуналар, хом-ашё, молиявий ресурслар қидирганлар, рухсатнома учун мурожаат қилганлар ва ҳ.) ҳаракат қилганлар; ишга тушишга тайёр бўлганлар киради. Бундан ташқари, ўқувчилар, талабалар, пенсионерлар ва ногиронлар иш қидираётган бўлсалар ва ишга тушишга тайёр бўлсалар ишсизлар сифатида ҳисобга олинади.

Мамлакатимизда 1992 йилдан бошлаб аҳоли бандлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни<sup>7</sup> қабул қилингандан кейин бандлик хизматлари томонидан иш қидираётган ишсиз одамларга расмий равишда ишсизлик мақоми бериладиган бўлди. Ишсизликнинг рўйхатга олинган ва яширин турлари мавжуд. Рўйхатга олинган ишсизлик – иш қидираётган, рўйхатга олинган, банд бўлмаган аҳолидир. Яширин ишсизлик – бозор иқтисодиётида – ишлашни хоҳлайдиганларни, лекин ишсиз сифатида рўйхатга олинмаганларнинг мавжудлигидир. Кўпинча иш қидиришни тўхтатганлар ҳам яширин ишсизлар қаторида бўлади.

Шундай қилиб, меҳнат бозоридаги ҳолат, бир томондан, иқтисодиётнинг таркиби ва ҳудуднинг ривожланиш даражасига, иккинчи томондан, меҳнат бозорининг демографик жиҳатларига боғлиқдир. М.Котлярнинг<sup>8</sup> ишчи кучининг такрор барпо бўлиши билан аҳолининг такрор барпо бўлиши бир хил нарса эмасдир, деган фикри тўғридир. Аммо, бу жараёнлар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб турадилар. Яъни, аҳолининг такрор барпо бўлиши ишчи кучининг такрор барпо бўлиши суръатларини белгилаб беради, ва аксинча, ишчи кучининг ишлаш шароитлари ва натижалари такрор барпо бўладиган аҳолининг сони ва сифатини белгилаб беради.

---

<sup>7</sup> “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 1992.

<sup>8</sup> Котляр М. Экономико-демографические проблемы занятости // Демографические аспекты занятости. – М., 1976. – С.4-5.

## 1.2. Инновацион таракқиёт йўлига ўтишда меҳнат бозори

Ўзбекистан ХХІ асрнинг иккинчи ўн йиллигига ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарор ҳолатини мустаҳкамлаган ҳолда кадам қўйди ва бир қатор макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича етакчи мамлакатлар каторидан ўрин эгаллади. Ҳозирги кунда республика олдида янги долзарб вазифа — мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг инновацион йўлига ўтишини таъминлаш кўндаланг турибди, бу эса меҳнат унумдорлигини ва сарфланган капитал самарадорлигини оширишга олиб келади ҳамда мамлакат фаровонлигини ва аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришга замин тайёрлайди.


Айни вақтда меҳнат бозоридаги демографик босим ҳануз етарли даражада юқориликча сақланмоқда. Ўтган йиллар давомида аҳолининг интенсив такрор барпо бўлиши натижасида ҳозирги вақтда меҳнат бозори меҳнатга лаёқатли ёшга етган ёшлар узлуксиз кўпайиб бораётган бир шароитда шаклланмоқда. Бундай вазият, айниқса янги минг йилликнинг дастлабки йилларида сезилди, бунда Ўзбекистан меҳнат бозорига ҳар йили ўтган ўн йилликдагидан 1,2—1,3 марта кўпроқ ёшлар кириб келди. Шунга боғлиқ равишда бир қатор минтақаларда ишчи кучи таклифи иқтисодиёт тармоқларида унга бўлган талабдан ошиб кетган ва мунтазам равишда меҳнат билан таъминлаш муаммосини долзарблаштирмоқда.

Ғарб сиёсий иқтисодиётида ишсизликнинг меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш учун ўзига хос резерв сифатидаги мажбурийлик ва енгилмаслик назарияси ишлаб чиқилган. Ж.М. Кейнс «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асарида<sup>9</sup> (1936 й.) тўлиқ бандлик назариясини ишлаб чиққан ва унда ишсизлик иқтисодий аҳамиятга эгаллиги тан олинган ҳамда унинг «меъёрий даражаси» мамлакатнинг ташаббускор аҳолисининг 3—6% га тенг қилиб белгиланган. Унинг фикрича, ишсизликнинг бундай даражаси максимал фойда олиш учун шароитлар

---

<sup>9</sup> Кейнс Ж.М. Общая теория занятости, денег и процента. М.:1936.

1.2.1-расм. Бандликнинг инновацион тури концептуал схемаси



яратиши ва тизим сифатида капитализм учун ижтимоий хавфсизликни таъминлаб бериши мумкин. Тўлиқ бандлик бўйича Кейнс назарияси ҳозирги

вақтгача у ёки бу даражада илмий мавзуларда ўз ифодасини топиб турибди. Бироқ ишсизлик тушунчаси фақат капиталистик тузум учун хос эмас. У режали иқтисодиётда ҳам яширин ҳолатда мавжуд бўлган ва меҳнатга лаёқатли банд бўлмаган аҳоли сифатида тавсифланган. Нима бўлганда ҳам, жамиятда ҳар бир муайян вақтда меҳнат ресурсларининг муайян бир қисми ҳар доим, турли сабабларга кўра ишсиз бўлиб қолиши мумкин, бу эса ишлаб чиқариш усулига умуман боғлиқ бўлмайди. Булар иш жойини ўзгартираётган, таркибий ўзгаришлар туфайли ишдан бўшаган, оилавий ва бошқа шахсий сабаблар туфайли вақтинча ишламаётган инсонлар бўлиши мумкин. Табиийки, бозор хўжалигига ўтишда маълум бир миқдорда ишсиз аҳоли назарда тутилади. Ишсизликнинг мавжуд бўлиши бандлик соҳасида бозор муносабатлари ривожланишига боғлиқ бўлган табиий бир ҳолатдир. Инсонлар тез-тез иш жойларини ўзгартирадиган бўлдилар, ишчи кучини бўшатиш ва қайта тақсимлаш кўламлари ошиб бормоқда, буларнинг барчаси эса, кўп ҳолатларда вақтинчалик ишсиз бўлиш ёки узоқ вақт уни излаш билан боғлиқ.

Ўзбекистонда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши (1992 й.) билан ишсизлик расмий тан олинди, расмий мақомга ва мувофиқ регистрацияга эга бўлди. Республика қонунчилигига мувофиқ расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар — бу ишга, иш ҳақига ёки даромадга эга бўлмаган, меҳнат органларида иш қидираётганлар сифатида рўйхатдан ўтган, меҳнат қилишга, касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр 16 ёшдан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлиш ёшигача бўлган шахслардир<sup>10</sup>.

ХМТ тавсифига кўра, ишсизлик даражаси — бу ишсизлар сонининг умумий ишчи кучи сонига нисбати бўлиб, у фоизларда ифодаланади<sup>11</sup>.

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисидаги» №106-сонли 24.05.07 йилдаги Фармойиши.

<sup>11</sup> Российская экономическая академия им. Г.В. Плеханова. Основы экономической безопасности (государство, регион, предприятие, личность): Учебно-практическое пособие под редакцией Олейникова Е.А. — М.: ЗАО «Бизнес школа Интел-синтез», 1997.

Иқтисодий иншоот қилишнинг дастлабки йилларида ишсизлик даражаси меҳнат биржаларидаги расмий ҳисобга олинганлар билан белгиланар эди.

Расмий ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда барча йилларда расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар сони унчалар катта эмас: 45—50, кейинги йилларда эса — 30 минг киши атрофида бўлиб, унинг даражаси иқтисодий фаол аҳолининг умумий миқдорининг 0,2 дан 0,4% игача ўзгариб турган. Кейинги йилларда ишсизлар сони меҳнат бозоридаги реал вазиятларни нисбатан тўлиқ акс эттирадиган халқаро стандартлар бўйича ҳисобланадиган бўлди. ХМТ методологияси бўйича амалга оширилган ҳисоблар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда ҳозирги даврдаги ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли умумий миқдорининг 4—5% гача чегарасида турибди. Ишсизликнинг реал даражаси республикада илк бор 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг маърузасида 5,3% деб эълон қилинган эди<sup>12</sup>. Бу кўрсаткич унчалар юқори эмас, баъзи МДХ ва Ғарбий Европа мамлакатларида у анча юқори бўлиб, 6-8% дан ҳам баланд<sup>13</sup>. Масалан, 2005 йилда бу кўрсаткич Молдавияда 6,6%, Россияда - 7,3%, Тожикистонда - 7,4%, Украинада - 7,0%, Қозоғистонда - 8,1 %, Қирғизистонда - 9,0% га тенг бўлган<sup>14</sup>.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ишсизликнинг ўсиши мамлакат учун кучли иқтисодий хавфни келтириб чиқаради, сабаби унинг оқибатлари иқтисодий фаол аҳоли улушини камайишиб кетишига, меҳнат салоҳиятининг катта қисмини иш излаб мамлакат ташқарисига чиқиб кетишига, оила ва жамиятда боқимандалар сонининг ортиб кетишига, охир-оқибат эса — аҳолининг турмуш даражаси ва сифатининг пасайиб кетишига олиб келади.

---

<sup>12</sup> Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча иншоот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий иншоотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ва-зирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси/Халқ сўзи, 14 февраль 2007 й.

<sup>13</sup> СНГ в 2003 г. Статистический справочник. — М., 2004. — С. 125.

<sup>14</sup> Статкомитет СНГ ([www.stsstat.com](http://www.stsstat.com)).

Жаҳон амалиётида ишсизликнинг энг сўнгги критик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 10% дан ошмаслиги керак деб қабул қилинган<sup>15</sup>. Бизнинг ҳисобларга кўра, узлуксиз демографик ўсишни, ёш болали ёш оилаларнинг аҳоли ўртасидаги улушининг катталигини, меҳнат ресурслари таркибида ёшларнинг улуши катталигини ва бошқа ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон учун, ишсизликнинг чегаравий миқдори 7—8%дан ошмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам, жадал ўсиб бораётган аҳоли бандлигини таъминлаш республика иқтисодий ривожланишининг энг муҳим стратегик устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда дунёда билимлар ва технологияларнинг жадал тараққиёти юз бермоқда. Мана шундай шароитларда иқтисодий ўсишнинг жадаллашуви ишчи кучи рақобатбардошлигининг, ходимнинг маълумот, касбий-малакавий даражасининг ошиб боришига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли, кадрлар салоҳиятини шакллантириш бўйича ислохотларнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг малакали кадрларга бўлган динамик бозор эҳтиёжларини ва касбий-маълумотлилик даражаси бўйича дифференциациялашган ишчиларга бўлган талабни қондиришни кўзда тутди. Шунга мувофиқ республикада таълим соҳасида ижобий сифат силжишларини таъминлаш, мавжуд таълим тузилмаларини, замонавий бозор эҳтиёжларига мувофиқ бўлган тизимнинг янги бўғинларини яратишни рағбатлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятлар стратегик режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Мана шу мақсадларда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. У таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишни таъминлаш, юксак маълумотли ва касб-ҳунарга эга инсонларнинг янги авлодини шакллантиришга қаратилган.

Ҳозирги шароитларда инсон омилининг ишлаб чиқаришда тутган ўрни бекиёс даражаларда ўсмоқда, билим эса интеллектуал капитал сифатида иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилига айланиб бормоқда. Ривожланган

---

<sup>15</sup> Экономическая безопасность. Производство-Финансы-Банки / Под редакцией академика В.К. Сенчакова. — Москва: ЗАО «Финстатистформ», 1998. - С.71.

мамлакатларда миллий бойликнинг деярли тўртдан уч қисми жамиятнинг интеллектуал салоҳияти томонидан яратилади. Ривожланган мамлакатлар эришаётган муваффақиятларнинг бош сабаби шундаки, улар билимларга асосланган ҳолда ўз иқтисодиётларини курмокдалар. Фан сиғими юқори маҳсулотлар жаҳон бозорининг ҳажми 2300 млрд. АҚШ доллариға тенг деб баҳоланмоқда, бунда ушбу бозорнинг асосий қисмини (80%) катта еттилик мамлакатлари ташкил этади. АҚШ ҳар йили фан сиғими юқори маҳсулотлар экспортидан 700 млрд. доллар (умумий микдорнинг 39%) олади, Германия улуши — 16%, Японияники — 30%ға тенг<sup>16</sup>. АҚШда 90-йилларнинг иккинчи ярмида коммуникация технологияларини, давлат томонидан Интернет тармоғини ривожлантиришга йирик инвестициялар киритиш орқали меҳнат унумдорлигини (йилиға ўртача 2,5%) ўстиришга эришилди<sup>17</sup>.

Меҳнат бозорини сифат жиҳатдан ўстириш интеллектуал салоҳиятни муваффақиятли ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишға бевосита боғлиқ. Ўзбекистонда интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришға стратегик аҳамият берилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалға ошириш жараёнида ишлаб турган аҳолининг маълумот даражасини ошириш ишлари олиб борилмоқда. Кейинги 5 йил давомида олий маълумотли ходимлар улуши 19,4%дан 27,7%ға, ўрта махсус маълумотлилар эса 23,1 дан 30,8%гача кўпайди<sup>18</sup>. Бу эса банд аҳолининг ярмидан ортиғи ҳозирги вақтда олий маълумотли мутахассис ва ўрта махсус касбий маълумотға эға эканидан далолат бермоқда. Ёшларни касб-хунарға тайёрлаш кўлами ошиб бормоқда. Масалан, 2010 йилда республика таълим муассасалари томонидан 76,4 минг олий маълумотли ва 445,5 минг ўрта касбий маълумотға эға мутахассис тайёрланган, 2007 йилда эса мазкур кўрсаткичлар мувофиқ равишда 73,2 ва 314,5 мингни ташкил этган эди (1.2.1 жадвал)<sup>19</sup>. Республика ҳудудлари

---

<sup>16</sup> Бондарева Н.И. Методические вопросы исследования системы управления интеллектуальной собственностью. Научные труды ИПП АН России. - М., 2008. - С. 341.

<sup>17</sup> Ускова Т. Производительность труда — главный фактор роста экономики. Экономист, №10, 2009. — С. 15.

<sup>18</sup> Труд и занятость в Узбекистане. Госкомстат Узбекистана. — Ташкент, 2007. — С. 30; Труд и занятость в Узбекистане. Госкомстат Узбекистана, 2009. — С. 31.

<sup>19</sup> Труд и занятость в Узбекистане. Госкомстат Узбекистана, 2011. — С. 93.

бўйича банд аҳолининг маълумотлилик даражаси бир қадар фарқ қилса-да, бироқ, умуман республика бўйича маълумотлилик кўрсаткичининг ижобий динамикаси кузатилмоқда<sup>20</sup>.

Жадвал 1.2.1.

**Олий ўқув юртлари ва ўрта-махсус касб хунари муассасалари  
битирувчилари**

|                         | Минг киши |       |      |       |      |       |      |       |
|-------------------------|-----------|-------|------|-------|------|-------|------|-------|
|                         | 2007      |       | 2008 |       | 2009 |       | 2010 |       |
|                         | ОЎМ       | ЎМКХ  | ОЎМ  | ЎМКХ  | ОЎМ  | ЎМКХ  | ОЎМ  | ЎМКХ  |
| Ўзбекистон Республикаси | 73,2      | 314,6 | 82,9 | 325,4 | 71,8 | 396,4 | 76,4 | 445,5 |
| Хоразм вилояти          | 2,2       | 20,8  | 2,5  | 21,6  | 2,4  | 23,2  | 2,2  | 28,5  |

\*Труд и занятость в Узбекистане. Статистический сборник. Ташкент 2011.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг кенгайиб бориши интеллектуал тараққиётнинг муҳим омилига айланиб бормоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ахборот-коммуникация технологияларини иктисодиётнинг барча соҳаларига ва таълим тизимларига жадал микёсларда жорий этиш тўғрисида бир қатор фармон ва қарорлари эълон қилинди.

Айни вақтда, меҳнат бозори юкори малакали кадрларга эҳтиёж сезмоқда. Ҳаттоки, республикада инновацион тараққиётнинг базавий тармоғига айланиши лозим бўлган саноат соҳасида ҳам раҳбарлик лавозимлари ва етакчи мутахассисларнинг муайян миқдори ўрнини гарчи бу ўринлар олий маълумотни талаб этса-да, фақат умумий ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга ходимлар эгаллаган.

Умуман олганда, республикада ривожланишнинг инновацион йўлига қадам қўйилиши ва инновация фаолиятининг кенгайтирилиши юкори малакали кадрларни тайёрлашнинг янги механизмларини жорий этишни ва мавжудларини такомиллаштиришни, олий таълим тизимида илмий-тадқиқот тузилмалари, илмий марказлар ва лабораториялар, илмий-техник парклар ва бошқаларни ўз ичига олган инновацион инфратузилмаларни яратишни талаб этади.

<sup>20</sup> Ўша жойда 101 б.

Халқаро тажриба ҳозирги шароитларда олий таълим муассасаларининг роли чексиз равишда ўсиб бориши кераклигини кўрсатмоқда. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иктидорли ёш инсонлар ўқиш жараёнидаёқ илмий иш олиб бориш учун таҳлилий ва ижодий малакага эга бўлишлари, сўнгра эса уларни мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришга жорий эта олишлари муҳим аҳамиятга эга. Замонавий муҳандисларнинг етарли техник билимларга ва менежерлик маҳоратига эга бўлишлари талаб этилади. Бу эса яхши профессионал муҳандислик бўйича тайёргарлик иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва менежмент соҳалари бўйича етарли даражада мустаҳкам билимлар билан уйғунликда эгалланиши кераклигини англатади. Бунда молиявий таъминотни ошириш юқори таълим даражасини ва ривожланган инновацион инфратузилмани таъминлаб беради.

Мана шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида олий ўқув юртларида фанни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиши бежиз эмас. АҚШ ва Буюк Британияда фан учун умумий ажратиладиган маблағларнинг 11—12%, Япония ва Францияда 15—16% олий ўқув юртларига тўғри келади. Бунинг натижаси сифатида шуни таъкидлаш жоизки, жаҳонга машҳур олимлар ва Нобель мукофоти лауреатлари айнан университетларда ишлайдилар. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, патент фаоллиги ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражаси ёш тадқиқотчиларни олий мактаблардаги илмий тадқиқотларга ва ишланмаларга жалб этилишига боғлиқ экан.

Билимларга асосланган иқтисодиётни қарор топтириш нафақат стратегияни ишлаб чиқишга, балки узоқ муддатли ривожланиш стратегияларига ва уларни минтақавий даражаларда мослашувчанлик заруриятига асосланган аниқ дастурларни яратиш учун ҳам жуда кўп вақт ва жиддий ресурсларни талаб этади. Бунда ҳам халқаро, ҳам маҳаллий тажрибаларни, шунингдек, иқтисодиётни модернизация қилиш моделлари ва мувофаақиятли тажрибаларни ҳар тарафлама эътиборга олиш зарур.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳаёт сифатини ошириш масаласи етакчи вазифалар қаторидан ўрин олган, буни Ўзбекистан Республикаси Президенти

хам ўзининг маъруза ва чиқишларида қайта-қайта таъкидламоқда<sup>21</sup>. Ушбу вазифани ҳал этишнинг муҳим таркибий қисми меҳнат фаолиятини сифат жиҳатдан яхшилашга эришиш ҳисобланади. Бундай заруриятнинг юзага келиши табиийдир. Биринчидан, инсон ўз ҳаётининг катта қисмини ишда ўтказади, бу эса маълум даражада унинг дунёкарашлари ва ижтимоий-руҳий ҳолатини белгилаб беради. Иккинчидан, айнан меҳнат қилиш жараёнида у ўзининг касбий, интеллектуал ва ижодий салоҳиятидан фойдаланади, бу эса касбий малакасини ва эгаллаган мавқеининг ўсиши учун дастлабки шароитлар ва афзал томонларни яратади. Учинчидан, инсоннинг меҳнати унинг оиласини моддий жиҳатдан таъминлайди, бу эса ҳаёт сифатининг энг муҳим тавсифларидан бири ҳисобланади.

### **1.3. Инновацион иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўналишлари**

Бугунги кунда илғор инновацион иқтисодиётга эга бўлмай туриб, барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. Модомики тайёр мақсулот жаҳон бозорида бирламчи сектор товарларига (газ, пахта, нефть ва бошқалар) нисбатан анча юқори қийматга эга экан, мақсулотга ишлов бериш даражаси қанчалик юқори булса, демак, у ёки бу давлатнинг рақобатбардошлиги ҳам шунча юқори булади.

Шунингдек, иқтисодиётининг инновационлик даражаси унинг инқироз оқибатларини енгиб ўтишга қодирлигини ҳам белгилаб беради, буни бизга 2008 йилдаги воқеалар намоён этди. Мамлакат бюджети деярли буткул хом ашё экспортига қарам экан, бозор конъюнктураси ва давлат ғазнаси хажми ҳам ушбу хом ашёнинг бозордаги нархлари билан бевосита боғлиқ бўлади.

Инновациялар асосан ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқилиб, уларни тараққиётнинг янада юқорироқ поғоналарига кўтаради. Бироқ ривожланган мамлакатларда мавжуд инновациялардан фойдаланган ҳолда,

---

<sup>21</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Тошкент: Ўзбекистан, 2009 йил. — 35-6.

баъзи ривожланаётган мамлакатлар ҳам технологиялашувнинг янада юқорироқ поғоналарини эгаллайдилар ва ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларга ўз маҳсулотларини экспорт қила бошлайдилар. Бундай вазиятларда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида рақобат кураши, яъни харажатларни камайтириш ва сифатни ошириш кураши юзага келади.

Шундай экан, миллий инновация тизимларини ривожлантириш асосида рақобатбардошликни оширишнинг назарий концепцияларини, Ўзбекистоннинг иқтисодий тарақиёти учун янада кўпроқ фойда келтириши мақсадида янада чуқурроқ ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидлаб ўтамиз.

Хозирги вақтда республиканинг иқтисодий сиёсати иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга, юқори самарали ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни яратишга қаратилган. Президент И.А. Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини белгилаб берди<sup>22</sup>:

- мамлакатда 2009-2012 йиллар учун қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш;
- иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва диверсификация қилиш;
- аҳолининг турмуш даражасини тубдан ўзгартириш, мулкдорларнинг ўрта табақасини яратиш;
- мамлакатни модернизация қилиш ва бандликни оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий тузилмани ривожлантириш;
- банк ишини такомиллаштириш.

Айнан мана шу стратегик йўналишда тадқиқотлар на илмий-техник ишланмалар, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, энг янги кашфиёт ва ишланмаларни жорий этиш, тажриба ишлаб чиқаришларини яратиш учун

---

<sup>22</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2009 йил. — 35-6.

катта маблаглар сарфлаш воситасида маҳаллий корхоналарнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир. Давлат ушбу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи бўла олади, сабаби бу фақат давлатнинг кучи ета оладиган миқёсдаги ишдир, хусусий бизнес эса мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг мазкур стратегиясини амалга оширишда ҳамкор сифатида чиқиши керак.

Шундай экан, ушбу стратегияни амалга ошириш учун маҳаллий корхоналарга улардаги ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш учун давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши керак, хусусан, солиқ таътиллари, инвестиция чегирмалари, солиқ ва тўловларнинг стандарт ставкаларини пасайтириш, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар учун импорт божларини бекор қилиш, технологик (инновацион) кластерлар учун давлат буюртмаларини шакллантириш лозим.

Шунингдек, ривожланишнинг ресурс-инновация стратегиясини амалга ошириш учун давлатнинг хусусий бизнес билан муносабатлари шакли сифатидаги хусусий-давлат ҳамкорлигидан, дунёнинг етакчи компаниялари билан қўшма корхоналар яратишни рағбатлантиришдан фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг ушбу стратегияси республика иқтисодиётининг табиий қиёсий устунликлари ҳисобига ҳозирда рақобатбардош бўла олган тармоқларини янада ривожлантириш билан чекланиб қолмай, янги рақобатбардош ишлаб чиқариш ва корхоналар юқори технологиялар ва сервис хизматлари тармоқларини шакллантириш учун шароитлар яратиш учун ҳам кенг имкониятлар очади, бу эса ўз навбатида, истиқболда Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг, шунингдек, нафақат иқтисодиётнинг, балки бутун мамлакатнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим негиз бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг ўз психофизиологик ва ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар кўрсатишга қодир бўлган қисмидан иборатдир.

Меҳнат ресурслари деб, ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилар тўпламига айтилади.

Бу таърифдан шу нарса келиб чиқадики, меҳнат ресурслари ўзига иқтисодий меҳнат билан банд бўлган кишиларни ҳам, меҳнат билан банд бўлмаса ҳам меҳнат қилишлари мумкин бўлган кишиларни ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, меҳнат ресурслари ҳақиқий (реал) ва потенциал ходимлардир.

Маънавий ривожланиш даражаси деганда умумтаълим ва касбий билимлар ҳамда кўникмалар, шахсий хусусиятлар тушунилади. Бу хусусиятлар инсоннинг танлаган фаолият соҳасида муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт ҳисобланади.

Фуқароларнинг ана шу қисми мамлакат хўжалигидаги меҳнат билан бандлигининг ҳуқуқий асоси ҳақида қонун билан белгиланади. Хусусан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунида меҳнат ҳуқуқини руёбга чиқариш аҳолининг меҳнат билан бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим тамойилларидан бири сифатида тилга олинган<sup>23</sup>.

Шундай қилиб, "меҳнат ресурслари" ўзининг мазмунига кўра, "иқтисодий фаол аҳоли" тушунчасидан кенгроқдир. Иқтисодий фаол аҳолидан ташқари меҳнат ресурслари яна меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўқувчиларни ҳам, шунингдек, ана шу ёшдаги уй бекалари ва мамлакатнинг қолган барча аҳолисини, яъни ишсиз бўлмаса ҳам, қандайдир сабабларга кўра, мамлакат хўжалигида иш билан банд бўлмаган аҳолини ҳам ўз ичига олади.

---

<sup>23</sup> «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 1992.

Мавжуд адабиётларда "иш кучи" тушунчаси кўп ишлатилса-да, унинг чегараси аниқ белгиланмаган. Баъзан иш кучи деганда ҳам ҳақиқий ходимлар, ҳам потенциал ходимлар, яъни амалда ўша "меҳнат ресурслари"нинг ўзи тушунилади. Кўпинча бу тушунча тор маънода - ходимларнинг умумий сонини англатади.

Бунга сабаб шу бўлганки, кўпгина муаллифлар меҳнат бозоридаги вазиятга баҳо берар эканлар, "иш кучига бўлган талаб", "иш кучини таклиф қилиш" деган тушунчалардан ҳам фойдаланадилар.

"Меҳнат ресурсларининг шаклланиши" тушунчаси анча вақтлардан буён иқтисодий адабиётларда ва статистик амалиётда қарор топган бўлиб, ўзига хос тор касбий атама сифатида ишлатилиб келинади. Бу тушунчанинг нимадан иборат эканлиги ҳақида умумий тарзда қабул қилинган, мунозара талаб қилмайдиган тасаввур йўқ. Биз эса "меҳнат ресурсларини шакллантириш" деганда меҳнат ресурсларининг доимий равишда янгиланиб туриши тушунилади, деб ҳисоблаймиз.

Меҳнат ресурслари қандай шаклланишини аниқлаш учун биз биринчидан, меҳнат ресурсларини учта йирик ёш гуруҳлари бўйича - меҳнатга лаёқатли кишилар, меҳнатга лаёқатли кишилардан ёшроқ ва меҳнатга лаёқатли ёшдан каттароқ кишиларни, иккинчидан, ҳар бир гуруҳ аҳоли сонига, унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни, учинчидан, меҳнат ресурслари ва аҳолининг табиий ва механик ўзгаришдаги умумий ва ўзига хос томонларни кўриб чиқишимиз лозим.

Туғилишдаги фарқлар дарҳол аҳоли сонининг ошишига таъсир қилади, меҳнат ресурсларида эса фақат 16 йилдан кейин акс этади. Қанча киши пенсия ёшига етиши фақат меҳнат ресурсларига таъсир қилади, бутун аҳоли сонига даҳлдор бўлмайди.

Меҳнат ресурсларининг аксарият қисмини меҳнат қилишга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли ташкил этади. Шунинг учун ҳам меҳнат ресурсларининг динамикасига хос хусусиятлар кўпроқ даражада меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли билан боғлиқдир.

### 1.3.1 -жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги динамикаси\* (минг. киши)

| Кўрсаткичлар                           | Й и л л а р |         |         |         |         | 2010 йилда<br>2005 йилга<br>нисбатан<br>ўзгариши,<br>% |
|----------------------------------------|-------------|---------|---------|---------|---------|--------------------------------------------------------|
|                                        | 2005        | 2006    | 2008    | 2009    | 2010    |                                                        |
| <b>Жами аҳоли сони</b>                 | 26167,0     | 26488,2 | 27555,3 | 28000,8 | 28466,4 | 108,7                                                  |
| <b>Меҳнат ресурслари сони</b>          | 14453,2     | 14816,5 | 15644,9 | 16123,6 | 16504,2 | 114,2                                                  |
| <b>Шундан:</b>                         |             |         |         |         |         |                                                        |
| <b>Иқтисодий фаол аҳоли сони</b>       | 10224,0     | 10492,5 | 11603,1 | 11929,2 | 12286,6 | 120,1                                                  |
| <b>Иш билан банд бўлган аҳоли сони</b> | 10196,3     | 10467,0 | 11035,4 | 11327,7 | 11628,4 | 114,0                                                  |
| <b>Иқтисодий нофаол аҳоли сони</b>     | 4229,2      | 4324,0  | 4041,8  | 4186,4  | 4217,6  | 99,7                                                   |

\* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Бутун аҳолининг ва унинг меҳнаткаш қисмидаги динамиканинг хилма-хил йўналишда яққол ифодаланган ўзгариши воқеаларнинг нормал боришдан четга чиқиш деб қаралади. Ана шу сабабли нормал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун ноқулай шарт-шароит яратади.

Шундай қилиб, биз меҳнат ресурслари бутун аҳолига тааллуқли жараёнлар билан бевосита боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, меҳнат ресурслари динамикасининг маълум даражада нисбий «мустақиллиги»га эътиборни қаратамиз. У мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ бўлган демографик асосни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Шу маънода «меҳнат ресурслари» ижтимоий ва демографик ривожланишни таҳлил қилиш ва асослаб беришнинг ўзига хос методологик воситаси бўлиб майдонга чиқади.

«Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш» ва «мамлакатнинг меҳнат потенциали» тушунчалари бир-бири билан ўзаро боғлиқдир.

Биз бу ерда фойдаланиш деганда иқтисодиётнинг ресурсларидан бири бўлган меҳнат ресурсларини таърифловчи икки йўналишни тушунамиз. Бу,

биринчидан, меҳнат ресурсларининг тақсимланиши ва иккинчидан, уларнинг меҳнатидан фойдаланиш самарадорлигидир.

Меҳнат ресурсларини тақсимлаш деганда ресурсларнинг иқтисодийда ишлайдиган қисмлари ва ишламайдиган қисмлари тушунилади. Ўз навбатида ишламайдиган қисм меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ёшдаги ўқувчиларга ва шахсий ёрдамчи хўжалик билан шуғулланувчиларга, ҳарбий кучлар сафида хизмат қилаётганларга, ишсизларга, шунингдек, ҳеч ерда ишламайдиганларга, ўқимайдиганларга ва иш қидирмайдиганларга бўлинади.

Меҳнат билан бандлик турлари бўйича меҳнат ресурсларининг тақсимланишини фақат фуқаро аҳоли (яъни бунга ҳарбий хизматчилар кирмади) бўйича кузатиш мумкин.

Ишлайдиган аҳоли (меҳнат билан банд аҳоли) ўз навбатида айрим тармоқлар, касб гуруҳлари бўйича тақсимланиши, шу жумладан, ақлий ва жисмоний меҳнат бўйича, меҳнат режими бўйича (тўлиқ йиллик бандлик, тўлиқ бўлмаган иш куни ва ҳафтаси ва ҳоказо), ниҳоят ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича қараб чиқилади.

Меҳнат ресурсларини тақсимлаш турларидан бири мамлакат ҳудуди бўйича тақсимлаш бўлиб, у ҳам муайян фойдали ахборотга эга. Республика ҳудуди иқтисодий ривожланиш даражаси кишиларнинг фаровонлиги ва демографик ривожланиши билан фарқ қилади. Меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг минтақавий хусусиятлари аввало демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири билан боғлиқдир. Демографик омилларга аҳолининг такрор барпо қилинишидаги жадаллик киради. У ҳал қилувчи даражада туғилиш даражаси билан боғлиқ. Бу даража қанчалик юқори бўлса, меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли, демак, меҳнат ресурслари шунчалик тез ўсади.

**Жадвал 1.3.2.****Хоразм вилоятида 2008-2012 йилларда меҳнат ресурсларидан  
фойдаланиш\***

| № | Йиллар | Ушбу<br>йилнинг<br>охирига<br>аҳоли<br>сони | Меҳнат ресурслари                               |                                                              | иқтисо-<br>дий<br>фаол<br>аҳоли | иқтисо-<br>дийда<br>банд<br>аҳоли<br>сони | Жами<br>ишсиз-<br>лар<br>сони |
|---|--------|---------------------------------------------|-------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------|---------------------------------|-------------------------------------------|-------------------------------|
|   |        |                                             | меҳнатга<br>лаёқатли<br>ёшдаги<br>аҳоли<br>сони | ишлаёт-<br>ган<br>ўсмирлар<br>ва пен-<br>сионер-<br>лар сони |                                 |                                           |                               |
|   |        | м.киши                                      | м.киши                                          | м.киши                                                       | м.киши                          | М.киш<br>и                                | Киши                          |
| 1 | 2008   | 1 531 000                                   | 842300                                          | 7900                                                         | 571790                          | 571 100                                   | 3 164                         |
| 2 | 2010   | 1 567 100                                   | 888 800                                         | 5700                                                         | 888 800                         | 888 800                                   | 31 159                        |
| 3 | 2012   | 1 654 100                                   | 917900                                          | 4200                                                         | 679121                          | 643444                                    | 35628                         |

\*Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ижтимоий-иқтисодий омиллардан меҳнат ресурсларини шакллантириш учун анча аҳамиятлиси минтақадаги ишлаб чиқариш ва иқтисодий конъюнктура тузилмасининг хусусиятлари (меҳнат унумдорлигининг ўсиши)ни айтиб ўтиш мумкин. Бу ҳол ишловчи ўсмирлар ва ишловчи пенсионерлар сонига таъсир қилади. Иш ўринларининг, айниқса ўсмирлар ва катта ёшдаги ишловчилар меҳнатидан фойдаланишга мос келадиган иш ўринларининг мавжудлиги ишлаб чиқариш тузилмаси билан боғлиқ.

Меҳнат ресурсларини тақсимлаш демографик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг минтақавий шарт-шароитлари таъсирига анча кўпроқ учрайди. Демографик омилларнинг таъсири аҳолининг ёш тузилиши орқали намоён бўлади, у одатда, турли минтақаларда турлича бўлади. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишиларнинг ишлайдиган ва ишламайдиган қисмларга бўлиниши маълум даражада ана шу билан белгиланади. Аҳоли орасидаги кичик ёшли болалар сони ўзларини уй-рўзгор ишларига бағишлайдиган аёллар сонига таъсир кўрсатади. Тажриба шундан далолат берадики, бу икки кўрсаткич ўртасида бевосита боғлиқлик бор.

## **2 – БОБ. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ**

### **2.1. Аҳолини иш билан таъминлашнинг моҳияти ва шакллари**

Аҳолини иш билан таъминлаш унинг такрор ишлаб чиқарилиши учун зарур шартдир. Чунки кишиларнинг турмуш даражаси, жамиятнинг кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишга жойлаштириш, ишсизларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлаш учун сарф қиладиган чиқимлари аҳолининг иш билан таъминланишига боғлиқ. Иш билан бандлик инсон ижтимоий камолотининг энг муҳим томонларидан бирини очиб берадики, бу унинг меҳнат соҳасидаги ва меҳнат билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоқадордир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (Янги таҳрири) Қонуни 2-моддасидан олинган («Фуқароларни иш билан таъминланган деб ҳисобланади») шартларда қайд этилганидек: «Иш билан таъминлаш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир»<sup>24</sup>.

Қуйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

- ёлланиб ишлаётган, шу жумладан, ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан, вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;
- бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйганлиги, муносабати билан, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ иш

---

<sup>24</sup> «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 1992.

жойида бўлмаган, вақтинча иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;

- ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;
- Қуролли кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;
- таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси» га мувофиқ қуйидаги сабабларга кўра вақтинчалик иш жойида бўлмаган фуқароларнинг иш жойи сақланиб қолади ва улар иш билан таъминланган, деб ҳисобланадилар:

- давлат ва жамоат вазифаларини бажарётган вақтда;
- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажарганда;
- жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда.

Ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган фуқаролар тоифасига қуйидагилар киради:

- тадбиркорлар;
- фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этаётган оила аъзолари;
- деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;
- кооперативларнинг аъзолари;
- ёзувчилар, рассомлар ва бошқалар.

Иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли учун, шу жумладан, ишсизлар учун иш билан таъминлаш мақомини белгилаб олиш муҳимдир. Одатда беш мақом бор.

*Тўлиқ иш билан таъминлаш* - бу касбга оид меҳнат билан таъминланиш бўлиб, у шахсга даромад келтиради ва ўзи ҳамда oilасининг муносиб турмуш кечиришига шароит яратади.

*Аҳолининг иш билан оқилона таъминланиши* ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин (табiiй) даражаси вужудга келади.

*Эркин танланган иш билан таъминлаш* шуни назарда тутадик, бунда ўзининг меҳнат қилишга бўлган қобилиятига (иш кучига) эгалик қилиш ҳуқуқи фақат унинг эгасига, яъни ходимнинг ўзига тегишли. Мазкур тамойил ҳар бир ходимнинг иш танлашида тўғри йўл тутишини, ҳар қандай маъмурий тарзда ишга жалб қилишни таъқиқлашни кафолатлайди.

Иш билан таъминлашнинг юқорида келтириб ўтилган турлари аҳолининг ишга бўлган эҳтиёжи билан иш ўринлари ўртасидаги мувозанатни миқдор ва сифат жиҳатидан таъминлаш ҳолатини акс эттиради, бунда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Бозор муносабатларига ўтиш даври шароитида меҳнат самарадорлиги ортиб боришига қараб, касбий меҳнат билан таъминланиш даражаси умуман мамлакат бўйича қисқариб боради. Бунга сабаб шуки, юқори самарали иқтисодиёт нисбатан камроқ миқдордаги ходимларга муҳтож бўлади, шунингдек, аҳолида ижтимоий фойдали меҳнатнинг бошқа турларига қизиқиш ортиши билан унинг иш ўринларига бўлган эҳтиёжи ҳам камайиб боради.

Иш билан таъминлаш муносабатларини иқтисодий, демографик ва ижтимоий жараёнлар тақозо қилади. Унинг *иқтисодий мазмунини* ходим учун ўз меҳнати билан ўзига муносиб тарзда яшашни таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига ёрдам бериш имкониятида ўз ифодасини топади. *Ижтимоий мазмун* шахснинг таркиб топиши ва

ривожланишида ифодаланади. *Демографик мазмун* иш билан таъминлаш аҳолининг ёш ва жинсий хусусиятлари, унинг таркиби ва бошқалар билан боғлиқлигини акс эттиради.

Аҳолини иш билан таъминлашнинг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа мазмунлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; қишлоқ хўжалиги бўлмаган иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш; қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни камайитириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (Янги таҳрири) Қонунининг 3-бўлими “Аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш” деб номланган ва у 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22 ва 23-моддаларни ўз ичига олади.

Ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган аҳолини иши билан бандлиги сиёсати учта асосий мақсадга эришишни назарда тутди:

- таркибий қайта қуришни рағбатлантириш асосида бўшаб қолган ходимларни қайта тақсимлаш жараёнини жадаллаштириш;
- ишсизларни меҳнат ҳаётига жуда тезлик билан жалб қилиш;
- иш қидираётганлардан ҳар бирини иш билан таъмин этиш.

Давлат аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатининг чора-тадбирлари қуйидаги соҳалар бўйича табақалаштирилган:

- таъсир кўрсатиш объекти бўйича (умумий ва ихтисослашган чора-тадбирлар);
- маблағ билан таъминлаш манбалари бўйича.

Аҳолини иш билан таъминлашга таъсир кўрсатиш усуллари қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бевосита (маъмурий) усуллар: қонун йўли билан тартибга солиш;
- меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномалари;

- билвосита (иқтисодий) усуллар: молиявий, монетар, фискал (ҳазина) сиёсати.
- Аҳолини иш билан таъминлашга давлатнинг таъсир кўрсатиш турлари:
- пассив таъсир кўрсатиш - иш билан банд бўлмаган аҳолига ижтимоий ёрдам;
- фаол таъсир кўрсатиш - меҳнат таклифни рағбатлантириш, меҳнатга бўлган талабни рағбатлантириш, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш чора-тадбирлари (ахборот, маслаҳат хизмати кўрсатиш, касбий соҳада маслаҳатлар бериш, аҳолининг камроқ рақобатбардош гуруҳлари учун бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳоказолар), минтақаларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари ва шу кабилар.

Давлат бандлик сиёсати доирасида меҳнат бозорини тартибга солишда бандлик жамғармаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бандлик жамғармаси харажатларини шартли равишда тўртта йўналиш бўйича қисмларга ажратиш мумкин (4.1-чизма).

Ишсизларга узоқ муддатли пенсиялар тайинланиши муносабати билан Пенсия жамғармаси харажатлари бандлик жамғармасидан қопланади. Аҳолининг Бандлик жамғармасига бадаллар тўлаши учун суғурта тарифи меҳнат ҳақиға тўлашга мўлжалланган маблағларнинг 1,5%ини ташкил этади. Бадаллик учун бадаллар тўлашдан ногиронларнинг жамоат ташкилотлари, ногиронлар ва пенсионерларнинг жамоат ташкилотлари, уларга тегишли бўлган корхоналар, шунингдек, диний бирлашмалар озод қилинади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳнат бозорини бошқаришда бир қатор йўналишлар мавжуд бўлиб, улар аҳоли бандлиги давлат хизматиға тааллуқлидир. Бу хизматнинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотни тарқатиш ҳисобига меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини оширишдан иборат.



2.2.1-чизма. Бандлик хизмати харажатларининг йўналишлари

Ўзбекистонда аҳоли бандлик хизмати 1991 йилда ташкил этилган эди. Республика аҳоли бандлик хизмати ишининг асосий тамойиллари халқаро амалиётга мувофиқ келади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳоли бандлиги хизмати минтақаларда (вилоятлар, шаҳар ва туманларда) ишлаб турибди.

Меҳнат биржалари меҳнат бозори ҳақидаги, унинг аҳволи ва истиқболи тўғрисидаги ахборотларни тўплайди. Бозор тузилмаси сифатидаги меҳнат биржаси хилма-хил вазифаларни бажаради.

Аҳоли бандлигини нодавлат даражада ташкил этиш соҳасидаги тижорат тузилмаларининг бошқа шакллари ҳам мавжуд.

Ишсизлик ҳозирги вақтда жамиятнинг энг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Зеро, юқори даражадаги ишсизлик ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини ва аҳоли даромадларининг пастлигини кўрсатади. Бу эса ижтимоий соҳада, оилавий муносабатларда вазиятнинг кескинлашуви ва жамият миқёсида норозиликнинг кўпайишига олиб келиши мумкин. Иш жойидан айрилиш кўп кишилар учун оилавий турмуш даражаси

ёмонлашишининг, шахсий ҳаёт нотинчлигини билдириб, одамга жиддий руҳий таъсир кўрсатади.

Ишсизлик шундай ходисаки, унда ишчи кучи иқтисодий фаол аҳолининг бир қисми сифатида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда банд бўлмайди. Ишсизлар бандлар билан бир қаторда мамлакат ишчи кучини ташкил қилади.

Амалиётдаги иқтисодий ҳаётда ишсизлик ишчи кучи таклифининг унга бўлган талабдан ошиб кетиши тарзида намоён бўлади.

Иқтисод фани учун ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш орқали мамлакат (корхоналар) ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Фуқарони ишсиз шахс деб эътироф этиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги тўртта шарт мавжуд бўлиши лозим<sup>25</sup>.

**Биринчи шарт** – фуқаро меҳнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак. Ҳуқуқий жиҳатдан меҳнат қилиш қобилиятининг қуйи даражаси (фуқаронинг жинсидан қатъи назар) «Меҳнат кодекси»нинг 77-моддасига мувофиқ 16 ёш деб белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, «Меҳнат кодекси»нинг ушбу моддасига мувофиқ тегишли шартларга риоя этилган ҳолда 15 ёки 14 ёшга тўлган ёшларни ҳам ишга қабул қилишга йўл қўйилсада, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ улар ишсиз шахс деб эътироф этилишлари мумкин эмас.

**Икинчи шарт** – фуқаро ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадига) эга бўлмаслиги лозим. Қонун ҳужжатларига мувофиқ иш билан банд бўлган шахслар тоифасига мулкчилик шаклларида қатъи назар ҳар қандай корхоналарда, шу жумладан, республикаимиз ҳудудида ва хориждаги халқаро

---

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (Янги таҳрири) Қонуни 3-моддаси

ташкilotларда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётганлар: бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар: ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва бошқалар киради.

**Учинчи шарт** — фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашга тайёр эканлигини унинг маҳаллий меҳнат органига иш қидириб расмий мурожаат қилиши, белгиланган муддатларда меҳнат органида қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва меҳнат органлари томонидан таклиф қилинган мақбул ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди.

Ҳомиладор аёллар, агарда уларнинг ҳомиладордик даври йигирма саккиз ҳафтадан ошмаган бўлса, улар меҳнатга қобилиятли деб ҳисобланадилар ва ҳомиладорликнинг бу даврида улар ишсиз шахс деб эътироф этилишлари керак.

**Тўртинчи шарт** — фуқаро барча тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

Жиддий талафотларга йўл қўймаслик мақсадида давлат иш билан таъминлашни ошириш сиёсатини ўтказди. Чунончи, ишсизликнинг фрикцион ва таркибий турлари ўсганда давлат:

- қайтадан касб ўргатади;
- таълим бериш тизимини кенгайтиради;
- бўш иш жойлари ҳақидаги ахборотларни кенг таркатади;
- меҳнат биржаларига инвестицияларни кўпайтиради.

Агар ишсизлик даврий хусусият касб этса, давлат бюджет, фискаль, кредит-пул воситаларини ишга солади, яъни:

- иш билан таъминлашни кучайтириш учун ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлайди;
- тадбиркорнинг манфаатдорлигини ошириш учун ссуда ҳамда кредиторларнинг фоиз ставкаларини пасайтиради;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга солинадиган солиқларни камайтиради.

## **2.2. Аҳолини иш билан таъминлашдаги таркибий ўзгаришлар**

Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим иқтисодий хусусиятларидан бири ҳисобланади ва у иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагиларни қамраб олади:

1. Аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатбардош касб-ҳунарларга ўргатиш.

2. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашга эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутди.

3. Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало ушбу марказлар тузилмасини

мақбуллаштириш, глобал инқироз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

## 2.2.1-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари сони динамикаси (минг киши ҳисобида)\*

| Худудлар                        | Йиллар         |                |                |                |                | 2011 йилда 2007<br>йилга нисбатан<br>ўзгариши |              |
|---------------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|-----------------------------------------------|--------------|
|                                 | 2007           | 2008           | 2009           | 2010           | 2011           | +, -                                          | %            |
| Қорақалпоғистон<br>Республикаси | 883,5          | 904,4          | 931,4          | 938,0          | 970,2          | 86,7                                          | 109,8        |
| <i>Вилоятлар:</i>               |                |                |                |                |                |                                               |              |
| Андижон                         | 1391,8         | 1433,5         | 1497,6         | 1536,0         | 1626,4         | 234,6                                         | 116,8        |
| Бухоро                          | 904,5          | 928,7          | 949,2          | 967,4          | 1013,4         | 108,9                                         | 112,0        |
| Жиззах                          | 582,3          | 601,1          | 622,2          | 636,1          | 675,2          | 92,9                                          | 115,9        |
| Қашқадарё                       | 1345,4         | 1395,8         | 1438,3         | 1481,7         | 1568,9         | 223,5                                         | 116,6        |
| Навоий                          | 501,6          | 509,8          | 527,3          | 532,1          | 537,1          | 35,5                                          | 107,0        |
| Наманган                        | 1207,0         | 1246,5         | 1288,2         | 1328,5         | 1432,8         | 225,8                                         | 118,7        |
| Самарқанд                       | 1617,0         | 1672,2         | 1725,8         | 1782,1         | 1900,2         | 283,2                                         | 117,5        |
| Сирдарё                         | 390,3          | 401,9          | 407,8          | 415,5          | 430,9          | 40,6                                          | 110,4        |
| Сурхондарё                      | 1057,7         | 1096,5         | 1133,5         | 1172,9         | 1246,5         | 188,8                                         | 117,8        |
| Тошкент                         | 1447,4         | 1477,9         | 1499,3         | 1518,2         | 1564,6         | 117,2                                         | 108,0        |
| Фарғона                         | 1617,5         | 1667,2         | 1720,1         | 1769,3         | 1897,1         | 279,6                                         | 117,2        |
| Хоразм                          | 823,3          | 847,7          | 874,1          | 892,8          | 922,4          | 99,1                                          | 112,0        |
| Тошкент ш.                      | 1446,9         | 1461,5         | 1508,8         | 1533,6         | 1524,2         | 77,3                                          | 105,3        |
| <b>Республика<br/>бўйича</b>    | <b>15219,6</b> | <b>15644,9</b> | <b>16123,6</b> | <b>16504,2</b> | <b>17309,8</b> | <b>2090,2</b>                                 | <b>113,7</b> |

\*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Демографик жараёнларга боғлиқ ҳолда Республикада меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвалдан кўриниб турганидек, 2007-2011 йиллар давомида республикада меҳнат ресурслари сони 2090,2 минг кишига ёки 13,7 фоизга ортган. Бу даврда меҳнат ресурслари сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,6 фоизни ташкил қилган. Кўрилатган даврда меҳнат ресурслари сонининг

Ўсиш суръати республика ҳудудларида бир меъёрга кечмаган. Жумладан, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган барча ҳудудларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри) эса паст бўлган. 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, меҳнат ресурслари жами аҳолининг 59 фоизини ташкил қилиб, унинг асосий қисми (қарийб 60 фоизи) Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тўпланган.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида қўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди (2.2.2-жадвал).

## 2.2.2-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида иш билан банд аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)\*

| Ҳудудлар                        | Й и л л а р    |                |                |                |                | 2011 йилда 2007<br>йилга нисбатан<br>ўзгариши |              |
|---------------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|-----------------------------------------------|--------------|
|                                 | 2007           | 2008           | 2009           | 2010           | 2011           | +;-                                           | %            |
| Қорақалпоғистон<br>Республикаси | 551,1          | 561,1          | 566,1          | 580,8          | 590,0          | 38,9                                          | 107,0        |
| <i>вилоятлар:</i>               |                |                |                |                |                |                                               |              |
| Андижон                         | 1014,8         | 1047,3         | 1063,0         | 1112,1         | 1144,8         | 130,0                                         | 112,8        |
| Бухоро                          | 708,0          | 729,1          | 748,5          | 768,1          | 784,7          | 76,7                                          | 110,8        |
| Жиззах                          | 350,9          | 360,6          | 396,6          | 381,6          | 392,4          | 41,5                                          | 111,8        |
| Қашқадарё                       | 877,9          | 908,7          | 934,9          | 971,7          | 1003,8         | 125,9                                         | 114,3        |
| Навоий                          | 389,9          | 396,7          | 404,6          | 408,0          | 413,4          | 23,5                                          | 106,0        |
| Наманган                        | 738,0          | 763,3          | 790,1          | 815,3          | 841,7          | 103,7                                         | 114,0        |
| Самарқанд                       | 1115,8         | 1152,0         | 1186,7         | 1229,9         | 1269,8         | 154,0                                         | 113,8        |
| Сирдарё                         | 296,1          | 304,1          | 318,9          | 320,0          | 327,5          | 31,4                                          | 110,6        |
| Сурхондарё                      | 696,7          | 722,5          | 744,6          | 784,5          | 817,8          | 121,1                                         | 117,3        |
| Тошкент                         | 1068,6         | 1097,5         | 1127,0         | 1155,4         | 1183,5         | 114,9                                         | 110,7        |
| Фарғона                         | 1241,3         | 1280,1         | 1318,0         | 1340,5         | 1367,6         | 126,3                                         | 110,2        |
| Хоразм                          | 553,6          | 571,1          | 583,0          | 606,7          | 625,2          | 72,6                                          | 112,9        |
| Тошкент ш.                      | 1132,4         | 1140,8         | 1145,8         | 1153,8         | 1156,7         | 24,3                                          | 102,1        |
| <b>Республика<br/>бўйича</b>    | <b>10735,4</b> | <b>11035,4</b> | <b>11328,1</b> | <b>11628,4</b> | <b>11919,1</b> | <b>1183,7</b>                                 | <b>111,0</b> |

\* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

2007-2010 йиллар мобайнида иш билан банд бўлган аҳоли сони 10735,4 минг кишидан 11919,1 минг кишига ёки 11,0 фоизга ортган. Таҳлил қилинаётган даврда иш билан банд бўлган аҳоли сони республиканинг барча ҳудудларида ҳам ортган. Аммо, таҳлиллар унинг ўсиш суръати бир меъёردа кечмаганлигини кўрсатади. Хусусан, ўтган беш йил давомида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган барча ҳудудларда эса паст бўлган.

### 2.2.3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларида, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан бандлар сони динамикаси (минг киши ҳисобида)\*

| Ҳудудлар                     | Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли сони |               |                                            | Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони |               |                                            |
|------------------------------|--------------------------------------------------|---------------|--------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------|---------------|--------------------------------------------|
|                              | 2007 й                                           | 2011 й        | 2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, % | 2007 й                                                            | 2011 й        | 2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, % |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 145,9                                            | 160,1         | 109,7                                      | 104,1                                                             | 109,7         | 105,3                                      |
| <i>вилоятлар:</i>            |                                                  |               |                                            |                                                                   |               |                                            |
| Андижон                      | 176,4                                            | 207,5         | 117,6                                      | 197,3                                                             | 209,7         | 106,2                                      |
| Бухоро                       | 161,5                                            | 165,6         | 102,5                                      | 140,8                                                             | 144,0         | 102,2                                      |
| Жиззах                       | 68,2                                             | 80,6          | 118,1                                      | 84,7                                                              | 100,8         | 119,0                                      |
| Қашқадарё                    | 201,5                                            | 231,4         | 114,8                                      | 149,3                                                             | 172,6         | 115,6                                      |
| Навоий                       | 150,6                                            | 165,4         | 109,8                                      | 56,6                                                              | 59,4          | 104,9                                      |
| Наманган                     | 160,5                                            | 171,8         | 107,0                                      | 148,9                                                             | 142,6         | 95,7                                       |
| Самарқанд                    | 228,1                                            | 228,7         | 100,2                                      | 218,9                                                             | 250,7         | 114,5                                      |
| Сирдарё                      | 58,6                                             | 68,7          | 117,2                                      | 72,6                                                              | 93,9          | 129,3                                      |
| Сурхондарё                   | 140,3                                            | 162,8         | 116,0                                      | 175,4                                                             | 193,6         | 110,3                                      |
| Тошкент                      | 256,4                                            | 274,4         | 107,0                                      | 191,1                                                             | 206,4         | 108,0                                      |
| Фарғона                      | 266,8                                            | 299,8         | 112,3                                      | 222,0                                                             | 286,8         | 129,1                                      |
| Хоразм                       | 118,6                                            | 125,2         | 105,5                                      | 161,2                                                             | 146,7         | 91,0                                       |
| Тошкент ш.                   | 418,0                                            | 437,6         | 104,6                                      | 171,1                                                             | 221,5         | 129,4                                      |
| <b>Республика бўйича</b>     | <b>2551,7</b>                                    | <b>2779,8</b> | <b>108,9</b>                               | <b>2094,3</b>                                                     | <b>2338,4</b> | <b>111,6</b>                               |

\* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш

муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2,5 фоизга ўсди ва деярли 11,9 млн. кишига етди, иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги бандлар улуши 79,4 фоизни, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар – 74,2 фоизни ташкил этди. Бандликнинг энг юқори ўсиш суръатлари қурилишда (105,2 фоиз), уй-жой-коммунал хўжалигида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда (105,1 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда (105,0 фоиз), транспорт ва алоқада (104,4 фоиз) қайд этилди.

Умуман олганда, республика ва унинг алоҳида ҳудудлари бўйича иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони ортмоқда (2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал маълумотларининг таҳлили Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 2551,7 минг кишидан 2779,8 минг кишига ёки 8,9 фоизга ўсган. Бундай тенденция республиканинг барча ҳудудларида ҳам кузатилган.

Аҳоли бандлиги таркибида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизи давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунги кунга келиб мазкур секторда умумий иш билан банд аҳолининг 20 фоиздан кўпроғи меҳнат қилмоқда.

Бандликнинг соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий тенденциялар кузатилди. Хусусан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайди. Агар 1991 йилда мазкур соҳада ишловчилар сони жами иш билан банд бўлганларнинг 40 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу рақам 25 фоизга тушди. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш, транспорт ва қурилиш соҳаларида иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 36 фоиздан 52 фоизга етди.

Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони ҳам йил сайин ортиб, 2007 йилдаги 2094,2 минг кишидан 2011 йилда 2338,4 минг кишига ёки 11,6 фоизга кўпайди. Бу кўрсаткичнинг республика

## 2.2.4-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятида ва деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони динамикаси (минг киши ҳисобида)\*

| Худудлар                     | Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони |              |                                            | Деҳқон хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони |               |                                            |
|------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|--------------|--------------------------------------------|-----------------------------------------------|---------------|--------------------------------------------|
|                              | 2007 й                                                                               | 2011 й       | 2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, % | 2007 й                                        | 2011 й        | 2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, % |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 4,6                                                                                  | 29,8         | 647,8                                      | 103,9                                         | 96,7          | 93,0                                       |
| Вилоятлар:                   |                                                                                      |              |                                            |                                               |               |                                            |
| Андижон                      | 12,3                                                                                 | 61,0         | 495,9                                      | 170,1                                         | 177,8         | 104,5                                      |
| Бухоро                       | 8,9                                                                                  | 49,5         | 556,1                                      | 129,4                                         | 151,4         | 117,0                                      |
| Жиззах                       | 4,7                                                                                  | 23,3         | 495,7                                      | 63,4                                          | 98,1          | 154,7                                      |
| Қашқадарё                    | 10,5                                                                                 | 43,8         | 417,1                                      | 128,6                                         | 150,2         | 116,7                                      |
| Навоий                       | 5,7                                                                                  | 25,8         | 452,6                                      | 49,4                                          | 60,8          | 123,0                                      |
| Наманган                     | 13,0                                                                                 | 66,8         | 513,8                                      | 95,4                                          | 114,6         | 120,1                                      |
| Самарқанд                    | 12,5                                                                                 | 65,0         | 520,0                                      | 148,3                                         | 188,8         | 127,3                                      |
| Сирдарё                      | 2,5                                                                                  | 10,8         | 432,0                                      | 26,8                                          | 60,2          | 224,6                                      |
| Сурхондарё                   | 6,3                                                                                  | 27,6         | 438,0                                      | 129,8                                         | 153,6         | 118,3                                      |
| Тошкент                      | 12,2                                                                                 | 65,9         | 540,1                                      | 177,4                                         | 190,6         | 107,4                                      |
| Фарғона                      | 17,8                                                                                 | 99,1         | 556,7                                      | 168,2                                         | 192,7         | 114,5                                      |
| Хоразм                       | 5,5                                                                                  | 23,8         | 432,7                                      | 81,5                                          | 106,0         | 130,0                                      |
| Тошкент ш.                   | 24,2                                                                                 | 105,9        | 437,6                                      | 0                                             | 6,2           | -                                          |
| <b>Республика бўйича</b>     | <b>140,8</b>                                                                         | <b>698,4</b> | <b>496,0</b>                               | <b>1472,5</b>                                 | <b>1745,0</b> | <b>118,5</b>                               |

\* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

худудлари бўйича таҳлил қилиш унинг бир меъёردа кечмаганлигини кўрсатади. Жумладан, ўтган беш йил давомида кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати Тошкент шаҳри, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган худудларда эса паст бўлган. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган даврда

мазкур соҳада иш билан банд бўлганлар сони Хоразм (9,0%) ва Наманган (4,3%) вилоятида камайган.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган кичик мулкдорлар синфини барпо қилишга, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратишга, ҳар бир оила даромадини кўпайтиришда ҳамда янги иш ўринларини яратиш эвазига ишсизлик масаласини ҳал этишга замин яратади.

Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги боис бу соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда (2.2.4-жадвал).

2.2.4-жадвалдан кўриниб турганидек, 2007-2011 йилларда республика бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони 140,8 минг кишидан 698,4 минг кишига ёки 4,96 мартага кўпайган.

Бугунги кунда деҳқон хўжаликларини ташкил этишда қатор ютуқларга эришилмоқда ва уларни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- хўжаликни ташкил этишнинг ихчамлиги ва уларнинг бозор муҳитига тезда мосланувчанлиги;
- хўжалик аъзоларининг маълум бир оилага мансублиги;
- оила маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги;
- меҳнатни ташкил қилишдаги ва хўжаликни бошқаришдаги қулайликлар.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига қараганда, деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1472,5 минг кишидан 1745,0 минг кишига ёки 18,5 фоизга ортган. Шундай қилиб, мамлакатда амалга оширилаётган оқилона иқтисодий сиёсат туфайли бандликнинг касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик каби аҳолининг тадбиркорлик қобилияти ва бунёдкорлик меҳнати салоҳиятини

намоён қилишга кўмаклашувчи самарали шакллари ривожланди.

### **2.3. Иш ўринларини ташкил этиш аҳоли бандлигини оширишнинг асосий омили сифатида**

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ 956,2 мингта иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Ҳақиқатда эса 970,9 минг иш ўрни яратилди ёки дастур ижроси 1,5 фоизга ортиғи билан бажарилди.

Мамлакатимизда янги иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2011 йилда республикада 950 мингта ортиқ иш ўрни ташкил этилган (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвалдан келтирилган статистик маълумотлар республикада ташкил этилган иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ҳамда уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобидан яратилган.

Ташкил этилган корхоналар ва иш ўринларининг асосий қисми енгил, тўқимачилик, автомобиль, кон-металлургия, нефть ва газ ҳамда кимё саноати тармоқларига тўғри келди. 2011 йилда мамлакат бўйича 828 та ишлаб чиқариш объектда, шу жумладан озиқ-овқат саноатда (279 та), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида (234 та), енгил саноатда (201 та), ёғочни қайта ишлаш саноатида (36 та), машинасозликда (12 та), кимё (8 та), фармацевтика (3 та) саноатида ва бошқа саноат тармоқларида (55 та) ишга туширилди;

б) «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури, кичик бизнесни ривожлантириш ҳудудий дастурлари чора-тадбирларини амалга ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, айниқса кичик

бизнес субъектларига солиқ имтиёзлари бериш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш, кредитлашни ва моддий хом ашё ресурсларини олиш имкониятларини кенгайтириш ҳисобига кичик бизнесда (кичик корхоналар ва микрофирмалар) 296,1 мингта, хусусий тадбиркорликда 89,7 мингта иш ўрни ташкил этилди.

### 2.3.1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида яратилган иш ўринлари сони, бирлик

| Т/р  | Йўналишлар                                                                                           | Йиллар  |         |                |
|------|------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|---------|----------------|
|      |                                                                                                      | 2010    | 2011    | 2012<br>дастур |
|      | Барча йўналишлар бўйича яратилган янги иш ўринлари, жами (иш ўрни)                                   | 950 001 | 956 247 | 967464         |
|      | шу жумладан:                                                                                         |         |         |                |
| 1.   | Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш | 56 316  | 57469   | 57874          |
| 2.   | Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш                                                     | 347 408 | 365888  | 365897         |
|      | шундан:                                                                                              |         |         |                |
| 2.1. | саноатда                                                                                             | 52 882  | 54941   | 55921          |
| 2.2. | қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан уй- жой қурилиши ва таъмирлаш                          | 43 632  | 43863   | 43988          |
| 3.   | Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш                                                         | 129 177 | 111871  | 117180         |
| 4.   | Уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш                                                          | 207 972 | 216165  | 217188         |
| 4.1. | шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида касаначилик                   | 62 518  | 55357   | -              |
| 5.   | Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқалар)               | 127 732 | 122399  | 122737         |
| 6.   | Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш                                               | 61 320  | 72850   | 72994          |
| 7.   | Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш                                                       | 8 889   | 9605    | 13594          |
| 8.   | Бозор инфратузилмасини ривожлантириш                                                                 | 11 187  | -       | -              |

\* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

Кредит билан қўллаб-қувватлашнинг кенгайтирилиши тадбиркорлик субъектларининг иш ўринлари ташкил этиш бўйича молиявий имкониятларини анча кенгайтириш имконини берди. Чунончи, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига

берилган кредитлар ҳажми 3,1 трлн.сўмни, шу жумладан имтиёзли микрокредитлар 613,3 млрд. сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар кўп. Бунда 20,9 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудлардаги тадбиркорларга, 251,9 млрд. сўм хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, 20,3 млрд. сўм ўзининг тадбиркорлик ишини ташкил этиш учун касб-хунар коллежларининг битирувчиларига берилди;

Ўзбекистон республикаси Президенти Ислон Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда республиканинг ривожланиш истиқболларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “2012-йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди” деб таъкидлаб ўтдилар<sup>26</sup>.

в) касаначилик меҳнатини ривожлантириш бўйича қатор каттагина имтиёзлар ва преференциялар, шу жумладан касаначиларга буюртмаларни, ускуналарни, хом ашёни, асбоблар ва инвентарни имтиёзли равишда бериш шартларини, касаначининг уйдаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартибини, корхоналарни касаначиларга тўланадиган маблағ миқдорида иш ҳақи жамғармасидан ягона ижтимоий тўловдан озод этишни кўзда тутадиган ҳуқуқий ва норматив база яратилганлиги касаначиликнинг барча турларини ривожлантириш ҳисобига 191,9 мингта иш ўрнини ташкил этиш имконини берди.

---

<sup>26</sup> “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда республиканинг ривожланиш истиқболларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. “Халқ сўзи”, 19 январ 2013 йил.

Ўтган даврда касаначилар билан ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларига саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳасидаги 5,4 мингдан ортиқ корхона жалб этилган бўлиб, уларда касаначилар билан кооперация асосида меҳнат шартномалари бўйича 55,8 минг кишининг бандлиги таъминланди.

Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари 136,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаш имконини берди;

г) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастурини амалга ошириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш 120,8 мингта иш ўрни, шу жумладан чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликка ихтисослашган хўжаликларда 35,4 мингта, боғдорчиликда ва иссиқхона хўжаликларида 37,8 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.

Фермер хўжаликларида мева-сабзавот ҳамда гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашни ташкил этиш, 56,4 минг тонна сиғимга эга бўлган 55 та совутиш камерасини қуриш ва реконструкция қилиш 19,7 минг кишини меҳнат фаолиятига жалб этиш имконини берди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш бўйича ихтисослаштирилган деҳқон хўжаликлари сонининг кўпайиши 27,9 мингта иш ўрни ташкил этишга ёрдам берди;

д) 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги дастурни, ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга ошириш 59,7 мингта иш ўрни фойдаланишга топширилишига олиб келди. Шундан, 20,2 мингта иш ўрни автомобиль ва темир йўл, газ ва сув қувурларини ўтказиш ҳамда реконструкция қилиш объектларида, коммунал хўжалигининг бошқа объектларида, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, шунингдек Ўзбек миллий автомагистрالي йўл бўйи инфратузилмасини ва сервис объектларини ривожлантириш ишларида ташкил этилди. Ижтимоий ва

бозор инфратузилмаси объектларининг қурилиши ва ишга туширилиши 39,5 мингта иш ўрни яратилишини таъминлади;

### 2.3.2-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида яратилган иш ўринлари сони динамикаси (бирлик)\*

| Ҳудудлар                     | Й и л л а р   |               |               |               | 2011 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши |              |
|------------------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|-----------------------------------------|--------------|
|                              | 2008          | 2009          | 2010          | 2011          | +, -                                    | %            |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 28602         | 48064         | 48118         | 48362         | 19760                                   | 169,1        |
| <i>вилоятлар:</i>            |               |               |               |               |                                         |              |
| Андижон                      | 55670         | 77889         | 77902         | 78292         | 22622                                   | 140,6        |
| Бухоро                       | 54266         | 72904         | 72998         | 73363         | 19097                                   | 135,2        |
| Жиззах                       | 29566         | 43297         | 43317         | 43515         | 13949                                   | 147,1        |
| Қашқадарё                    | 59191         | 85734         | 86444         | 86890         | 27699                                   | 146,8        |
| Навоий                       | 30139         | 39870         | 40321         | 40596         | 10457                                   | 134,7        |
| Наманган                     | 49672         | 70762         | 71039         | 71778         | 22106                                   | 144,5        |
| Самарқанд                    | 63570         | 91712         | 92020         | 92700         | 29130                                   | 145,8        |
| Сурхондарё                   | 44296         | 63686         | 63706         | 64644         | 20348                                   | 145,9        |
| Сирдарё                      | 28660         | 37899         | 37920         | 38623         | 9963                                    | 134,7        |
| Тошкент                      | 52719         | 85333         | 85500         | 86000         | 33281                                   | 163,2        |
| Фарғона                      | 63286         | 90050         | 91173         | 91246         | 27960                                   | 144,1        |
| Хоразм                       | 37110         | 59192         | 59182         | 59575         | 22465                                   | 160,5        |
| Тошкент ш.                   | 64159         | 74140         | 80361         | 80663         | 16504                                   | 125,7        |
| <b>Республика бўйича</b>     | <b>660906</b> | <b>940532</b> | <b>950001</b> | <b>956247</b> | <b>295341</b>                           | <b>144,6</b> |

\* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

е) ишламаётган корхоналарнинг, шу жумладан тижорат банклари балансларига олинган банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш 8,3 мингта иш ўрнини қайта тиклашга имкон берди.

Хусусан, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра тижорат банклари балансларига жами 163 та банкрот корхона қабул қилинган бўлиб, улардан 92 таси янги мулкдорларга реализация қилинган, 54 тасида таъмирлаш-тиклаш ишлари давом этмоқда, 12 тасида эса модернизациялаш ва ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш амалга оширилмоқда. Бунда 54 та корхона негизда

бирлаштириш ва қайта ташкил этиш йўли билан 45 та янги корхона ташкил этилди.

Республика ҳудудларида иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормокда (2.3.2-жадвал).

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурларининг амалга оширилиши иш билан банд бўлиш эҳтиёжи юқори даражада бўлган ҳудудларда, чунончи, Самарқанд (78,3 минг), Фарғона (77,8 минг), Андижон (75,2 минг), Қашқадарё (72,6 минг), Тошкент (70,4 минг), Бухоро (59,9 минг) ва Наманган (59,4 минг) вилоятларида иш ўринларини кўпайтиришга ёрдам берди.

### 3.2.3-жадвал

#### Хоразм вилоятида 2007-2011 йилларда ташкил килинган янги иш ўринлари\*

|    | Шахар<br>туманлар<br>номи | 2007 йил | 2008 йил | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил |
|----|---------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| 1  | Урганч ш                  | 3358     | 3680     | 5542     | 5573     | 5330     |
| 2  | Богот т                   | 2764     | 3063     | 5761     | 5885     | 6166     |
| 3  | Гурлан т                  | 3271     | 3015     | 4942     | 4949     | 5187     |
| 4  | Кушқуписр т               | 3416     | 3400     | 6293     | 6353     | 6217     |
| 5  | Урганч т                  | 3412     | 3955     | 5728     | 5330     | 5891     |
| 6  | Хазарасп т                | 4539     | 4318     | 6985     | 7005     | 6969     |
| 7  | Хонка т                   | 3134     | 3525     | 5322     | 5358     | 5570     |
| 8  | Хива т                    | 4202     | 4667     | 6461     | 6539     | 6610     |
| 9  | Шовот т                   | 3557     | 3099     | 5181     | 5310     | 5351     |
| 10 | Янгиарик т                | 2398     | 2511     | 3717     | 3854     | 3947     |
| 11 | Янгибозор т               | 2277     | 1877     | 3260     | 3267     | 3413     |
|    | жами                      | 36328    | 37110    | 59192    | 59423    | 60651    |

\*Жадвал Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Меҳнат ресурслари ортиқча бўлган 32 та туман ва шаҳарда аҳоли бандлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди, уларда 118,3 мингта ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан 4,2 фоиз кўп иш ўрни ташкил этилди.

Дастурни рўёбга чиқариш доирасида 2011 йилда бўш турган ва янги ташкил этилган иш ўринларига 487,3 минг киши ишга жойлаштирилди, улардан 215,7 минг нафари аёллар, 347,0 минг нафари қишлоқ туманларида яшовчилардир. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан ишга жойлаштирилганларнинг кўпчилигини биринчи марта иш қидираётганлар, шунингдек ўз хоҳишига кўра ва корхоналар қайта ташкил қилиниши ҳамда тугатилиши муносабати билан ишдан бўшаганлар - 241,9 минг киши, касбий маълумотга эга шахслар - 214,9 минг киши, 30 ёшгача бўлган ёшлар - 262,1 минг киши ташкил этади.

Янги иш ўринларини ташкил қилиш бўйича юқори кўрсаткичларга Хазарасп (беш йил ичида 6969 та иш ўрни яратилган), Хива (6610 та), Қўшқўпир (6217 та) ва Боғот (6166 та) туманларида эришилган. Янгиарик (3947 та) ва Янгибозор (3413 та) туманларида эса энг паст кўрсаткичларни кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, республикада ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган иш ўринлари сони кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга ёрдам беради.

### **3 - БОБ. ВИЛОЯТДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **3.1. Вилоятда меҳнат бозори шаклланишининг демографик жихатлари**

Аҳоли ва иқтисодиёт – ўзаро боғлиқ ва бир-бирини келтириб чиқарадиган икки тизимдир. Иқтисодиёт аҳоли бўлмаса ривожлана олмайди. Аҳоли жамият иқтисодий ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Бу шу билан изоҳланадики, аҳоли фан-техника тараққиётини, билимлар ва ишлаб чиқариш тажрибасини, меҳнат малакасини ўзида мужассам қилади.

Аҳолининг муҳим хусусиятларидан бири унинг сони ҳисобланади, ва айнан у, кўп жихатдан бозор сиғимини ва пировард натижада ишлаб чиқариш ҳажмларини белгилаб беради; кўп тармоқли иқтисодиётнинг ривожланиши ва такомиллашуви зарурлиги ва имкониятини белгилаб беради. Аҳоли сони меҳнат унумдорлиги ошиб боришининг асосий омили бўлган ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва кенг тарқалишини белгилаб беради.

Шу билан биргаликда, аҳоли ва иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги муаммоларини кўриб чиқар эканмиз, айтиб ўтиш керакки, аҳоли сонининг кўплиги ҳали иқтисодий ривожланишининг кўрсаткичи бўла олмайди. Шуниси ҳам аниқки, аҳоли билан иқтисодиёт нафақат тўғри боғлиқда, балки тесқари боғлиққа ҳам эгадир. Аҳолининг иқтисодий ўсиш омили сифатидаги ҳолати мамлакат иқтисодиёти билан белгиланади. Аҳолининг асосий кўрсаткичлари: туғилиш, ўлим, миграция, никоҳлар ва бошқалар тарихан ва бевосита мамлакат иқтисодиётининг аҳоли билан боғлиқдир. Бинобарин, аҳоли ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асоси ва субъекти бўлиб ҳисобланди. Аммо, ишлаб чиқариш билан ҳамма аҳоли эмас, балки унинг фаол қисми бўлган – ишчи кучи шуғулланади. Унинг шаклланишининг асосий манбаи меҳнат ресурслари ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам, аҳоли

ривожланиши муаммоларини ўрганишда меҳнат ресурсларига катта эътибор қаратилиши зарур.

Меҳнат ресурсларининг ривожланиши кўп жиҳатдан аҳолига боғлиқдир. Аҳоли меҳнат ресурслари ривожланишининг табиий асоси ҳисобланади. Аҳоли ва меҳнат ресурслари бир бутун ҳисобланишади, лекин шу билан биргаликда, улар ўзларининг келиб чиқиши, амал қилиши ва ривожланишида ўзаро боҳлиқ бўлган икки мустақил субъектдир. Жамиятнинг меҳнат ресурслари мамлакат аҳолиси ҳисобига шаклланадилар. Аҳоли ва меҳнат ресурсларини ташкил қилувчи одамлар кўп жиҳатдан унга ҳам, бунга ҳам тааллуқли бўладилар.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг умумийлиги аҳолининг жинсий таркиби билан меҳнат ресурсларининг шаклланиши боғлиқлигида ҳам намоён бўлади. Аҳоли таркибида эркаклар улушининг кам бўлиши меҳнат ресурсларининг сонини қисқартириб юборади, чунки эркакларнинг юридик ва ҳақиқий меҳнат фаолияти даври аёлларникига нисбатан юқори бўлади.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг умумийлиги яна уларнинг ўртасидаги чегаранинг ўзгариб туриши билан ҳам белгиланади. Масалан, агар эркак киши бугунги кунда 61 ёшида қарилик нафақасида бўлса, у меҳнат ресурслари таркибига кирмайди, лекин у эртага ишга жойлашадиган бўлса, шу вақтнинг ўзидан у меҳнат ресурслари таркибига киритилади.

Меҳнат ресурслари ва аҳолининг яхлитлиги шу билан белгиланадики, уларнинг ўзгариб туриши бутун инсониятнинг олдинги ривожланиши натижасидир. Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ривожланиши умуман бири-бирига мос келади, лекин шу билан биргаликда, бу жараёнларнинг кечишида муайян фарқлар ҳам мавжуд бўлади.

Меҳнат ресурсларининг ривожланишини нафақат аҳоли ўзгариб туриши белгилаб беради. Меҳнат ресурслари – бу фақат одамларнинг миқдорий йиғиндиси эмас, балки ижтимоий-иқтисодий категориядир. Бундай хулосанинг ҳақиқатга яқинлиги шу билан маъқулланадики, меҳнат ресурслари таркибига кирган одамлар мавжуд бўлиш ва ривожланиш

шароитлари умумийлиги билан бевосита боғлиқдир. Жамиятнинг меҳнат ресурсларини ташкил қилган одамлар ишчи кучи сифатига эгадирдар.

Одамнинг меҳнатга қобилиятлилиги салоҳияти ёшлигидан то қариган чоғигача мавжуд бўлади. Меҳнатга яроқлилиқ ёши жамият томонидан нафақат организмнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, балки ижтимоий-иқтисодий тизимнинг амал қилиши мақсадларидан келиб чиқиб ўрнатилади. Меҳнатга яроқлилиқ ёшини муайян йиллар билан чегаралаб кўйишда бир қатор ижтимоий иқтисодий омилларга таянилади: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва моддий фаровонликнинг даражаси, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш даражаси ва унга боғлиқ бўлган умумтаълим ва махсус тайёргарликнинг давом этиш муддати, аҳоли соғлиғининг аҳволи, ўртача умр кўриш даражаси ва бошқалар шулар қаторига киради.

Меҳнат ресурсларининг ривожланиши ижтимоий такрор барпо бўлиш жараёнида амалга ошади. Бу жамият меҳнат ресурслари таркибининг ижтимоий ҳаётнинг такомиллашиб боришига мувофиқ равишда миқдорий ва сифат ўзгаришларида намоён бўлади. Меҳнат ресурсларининг ривожланиб бориши чексиз жараёндир.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ривожланишида муҳим фарқлар ҳам мавжуддир. Меҳнат ресурсларининг ривожланиши – бу фақат ҳаётни сақлаб қолиш ва такрор барпо қилиш мақсадида меҳнатнинг ишлаб чиқариш кучи ривожланишидир; аҳоли ривожланиши эса – бу умуман инсонларнинг ривожланишидир. Бундан ташқари меҳнат ресурслари аҳолининг тўлиқ алоҳидалашган қисми ҳисобланади. Унинг асосида авваламбор шу ётадики, агар жами аҳоли фақат моддий ва маънавий бойликларнинг истъеомолчиси бўлса, меҳнат ресурслари уларни ишлаб чиқарувчилардир.

Аҳоли ва меҳнат ресурслари ўртасидаги фарқ, яна улар сонининг ўзгариб туриши вақт нуқтаи назаридан мос келмаслигидир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси бўйича 1991 йилдан 2011 йилгача аҳоли сони 20607,7 минг кишидан 29123,4 минг кишигача, яъни 141,3 фоизга ошган

бўлса, бу даврда меҳнат ресурсларининг сони 10122,5 минг кишидан 17309,8 минг кишигача, яъни 171,0 фоизга ошди. Ўртача йиллик ўсиш суръатлари аҳоли бўйича 2,1 фоизни, меҳнат ресурслари бўйича 3,6 фоизни ташкил қилди. Худди шундай тарзда Хоразм вилоятида ушбу даврда аҳоли сонининг йиллик ўсиш суръатлари 2,3 фоизни, меҳнат ресурслариники эса 4,0 фоизни ташкил қилди. Шундай қилиб, кўриниб турибдики, аҳоли сони ўсиш суръатлари билан меҳнатга яроқли аҳоли ўсиш суръатлари мос келмаслиги мумкин. Уларнинг ўзгариши ҳатто, турлича йўналишга эга бўлиши ҳам мумкин. Бу фарқларни аниқлаб олиш учун авваламбор, меҳнат ресурсларининг демографик асоси сифатида меҳнатга яроқли ёшдаги аҳоли гуруҳларининг шаклланиши механизмини аниқлаб олиш зарур бўлади. Жами аҳоли сонининг ўзгариши ушбу йилдаги туғилиш даражасига боғлиқ бўлади; меҳнатга яроқли ёшдаги аҳолиники эса - меҳнатга яроқли ёшга кириб келганларнинг, яъни 16 йил олдинги туғилиш даражаси билан белгиланади.

Бу жами аҳоли сонининг ўзгариши билан меҳнатга яроқли аҳоли сони ўзгаришидаги фарқнинг биринчи сабабидир. У 16 йил давомида туғилиш даражасида мавжуд бўлган ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Табиийки, 16 йил давомида туғилиш даражасида катта ўзгариш юз бермаса, жами аҳоли сони билан меҳнатга яроқли аҳоли сони бир хил ўзгаришларга эга бўлади.

Иккинчи сабаб, ўлим сонларининг ўзгаришидадир. Одамнинг ёши ошиб бориши билан ўлим даражаси ҳам юқори бўлиб боради. Аҳоли ўлими меҳнатга яроқли аҳоли сонига нисбатан кўпроқ аҳоли сонига таъсир кўрсатади. Бунда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўлим туғилишдан фарқ қилган ҳолда меҳнатга яроқли аҳоли сонини бирданига ўзгартириши мумкин. Жами аҳолининг ўсиши туғилиш билан ўлимнинг фарқидан келиб чиқса, меҳнатга яроқли аҳолиники – меҳнат ёшига кириб келаётганлар билан меҳнат ёшидан чиқиб кетаётганлар сонининг фарқидан келиб чиқади (албатта, ўлганларни ҳам ҳисобга олиб).

**Хоразм вилоятининг 2000-2011 йиллардаги демографик кўрсаткичлари<sup>27</sup>,  
минг киши**

| Йиллар | Ўртача<br>доимий<br>аҳоли<br>сони | Туғил-<br>ганлар<br>сони | Ўлганлар<br>сони | Табиий<br>ўсиш | Келганлар<br>сони | Кетганлар<br>сони | Миграция<br>сальдоси | Аҳолининг<br>йиллик<br>ўртача<br>ўсиши,<br>фоизда | Вилоят<br>аҳолиси-<br>нинг<br>республика<br>аҳолисида-<br>ги ҳиссаси |
|--------|-----------------------------------|--------------------------|------------------|----------------|-------------------|-------------------|----------------------|---------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------|
| 2000   | 1335,8                            | 32,1                     | 7,0              | 25,1           | 7,2               | 8,6               | - 1,4                | 1,87                                              | 5,42                                                                 |
| 2001   | 1358,5                            | 30,4                     | 6,6              | 23,8           | 6,4               | 8,5               | - 2,1                | 1,70                                              | 5,44                                                                 |
| 2002   | 1380,1                            | 31,1                     | 6,8              | 24,3           | 5,6               | 8,3               | - 2,7                | 1,59                                              | 5,46                                                                 |
| 2003   | 1400,6                            | 29,2                     | 7,0              | 22,2           | 5,4               | 8,2               | - 2,8                | 1,48                                              | 5,48                                                                 |
| 2004   | 1421,5                            | 32,0                     | 6,5              | 25,5           | 6,3               | 9,3               | - 3,0                | 1,49                                              | 5,50                                                                 |
| 2005   | 1443,3                            | 31,3                     | 6,7              | 24,6           | 6,4               | 10,0              | - 3,6                | 1,53                                              | 5,52                                                                 |
| 2006   | 1465,8                            | 33,2                     | 6,9              | 26,3           | 5,7               | 8,1               | - 2,4                | 1,56                                              | 5,53                                                                 |
| 2007   | 1491,0                            | 36,4                     | 6,9              | 26,5           | 5,8               | 8,7               | - 2,9                | 1,72                                              | 5,55                                                                 |
| 2008   | 1517,5                            | 35,3                     | 7,3              | 28,0           | 6,0               | 7,5               | - 1,5                | 1,78                                              | 5,56                                                                 |
| 2009   | 1546,2                            | 39,3                     | 6,7              | 32,6           | 5,9               | 7,6               | - 1,7                | 1,89                                              | 5,57                                                                 |
| 2010   | 1581,4                            | 36,0                     | 7,0              | 29,0           | 7,2               | 8,3               | - 1,1                | 2,27                                              | 5,54                                                                 |
| 2011   | 1615,1                            | 35,1                     | 7,1              | 28,0           | 7,7               | 7,8               | -0,1                 | 2,13                                              | 5,50                                                                 |

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоят аҳолисининг 2000-2011 йиллардаги демографик ривожланиши шуни кўрсатадики, туғилиш кўрсаткичлари ҳам, ўлим кўрсаткичлари ҳам барқарор суръатларда сакланиб турибди. Натижада аҳолининг табиий ўсишида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз бермаган (3.1.1-жадвал).

Умумий аҳоли сони ва меҳнатга яроқли аҳоли сонининг ўзгаришига учинчи таъсир қилувчи омил – бу миграциядир. Миграция аҳолининг ёш-жинс таркибига ҳам катта таъсир кўрсатади. Кўчиб кетувчилар ҳудудида у эркакларнинг сонини камайтириб юборади (мигрантлар таркибида эркакларнинг улуши тахминан 55-56 фоизни ташкил қилади); аҳолининг энг фаол ёшдаги қисмини камайтириб юборади. Чунки мигрантларнинг 2/3 қисми 16-29 ёшдагилар бўлади. Меҳнат ёшигача ва меҳнат ёшидан юқори бўлганларнинг мигрантлар таркибидаги ҳиссаси 13-15 фоизни ташкил қилади. Демак, миграция меҳнат ресурсларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатар экан.

Юқоридаги жавдвал (3.1.1.) маълумотлари кўрсатадики, вилоятда аҳолининг кўчиб юриши кўрсаткичлари ҳам 2009 йилгача деярли бир хил салбий сальдога эга бўлиб келган бўлса, шу йилдан кейин ушбу салбий сальдонинг камайиши кузатилмоқда. Бинобарин, аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръатлари ҳам 2000-2009 йилларда 1,5-1,8 фоизни ташкил қилган бўлса, кейинги йилларда йиллик ўсиш 2,0 фоиздан ошиб кетди. Бу ерда яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги 71-сонли Қарори асосида ўтказилган танлама статистик кузатуви натижасида ҳисоб-китобларнинг янада аниқлаштирилганлиги туфайли аҳоли сонининг кескин кўпайиб кетганлиги кузатилган.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ривожланиши икки хил: экстенсив ва интенсив йўл билан боради. Ривожланишнинг экстенсив йўли аҳоли ва меҳнат ресурсларининг миқдорий ўсиб боришига олиб келади. Интенсив йўл фан-техника ютуқларидан фойдаланишни, уларнинг билим (маълумот ва касбий) ҳажмлари ошиб боришини билдиради. У меҳнат предметлари ва

воситаларининг, технологияларнинг такомиллашувини тақазо этади. Меҳнатнинг фонд сифими ошади, энг асосийси инсоннинг ўзи такомиллашиб боради. Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ривожланиши нафақат миқдорий жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам амалга ошади.

Ишчи кучи ва аҳоли меҳнат салоҳияти тушунчаларини бир-биридан фарқлаш керак бўлади. Фарқи шундаки, ишчи кучи тушунчаси амалдаги ишлаб чиқариш учун тааллуқлидир, аҳоли меҳнат салоҳияти эса нафақат доимо ишлатиладиган, балки аҳолининг ишлатилмаган, яширин имкониятларини ҳам кўрсатиб беради. Аҳолининг меҳнат салоҳиятини қисқача қилиб айтганда, фойдаланилаётган ишчи кучларининг меҳнати ва фойдаланилмаётган меҳнат заҳиралари сифатида тушуниш керак.

Иқтисодий таҳлил амалиётида аҳолининг ишлаб чиқаришда қатнашиш ёшидаги чегаралари билан фарқ қиладиган демографик авлодларнинг ёшлари бўйича тақсимланиши кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади:

- 0-15 ёш – меҳнатга яроқли ёшдан кичик бўлган аҳоли;
- 16-59 (54) ёш – меҳнатга яроқли ёшдаги аҳоли;
- 60 (55) ва ундан юқори ёшдагилар – меҳнатга яроқли ёшдан катта бўлган аҳоли.

**Меҳнатга яроқли ва меҳнатга яроқли бўлмаган ёшдаги аҳоли улушининг кўрсаткичлари** аҳолининг ушбу гуруҳлари сонини (меҳнат ёшидан кичиклар, меҳнат ёшидагилар, меҳнат ёшидан катталар) умумий аҳоли сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Улуш кўрсаткичлари фоизда ҳисобланади.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг ҳозирги тенденцияси сақланиб қолишида меҳнатга яроқли ёшдан катта бўлган аҳоли ҳиссаси меҳнатга яроқли ёшдан кичик бўлган аҳоли ҳиссасига нисбатан юқори бўлиб бориши эҳтимоли бор.

Мамлакат эркак ва аёл аҳолисининг меҳнат таркиби бир-биридан анча фарқ қилади. Бундай фарқ қуйидагилар таъсирида юзага келади:

а) эркакларнинг, айникса юқори ёшларда, ўлим кўрсаткичлари даражаси аёлларникига нисбатан юқоридир;

б) эркаклар ва аёлларнинг меҳнатдаги ва меҳнатдан юқори ёшларидаги фарқлар ҳам меҳнат ёшидан юқори ёшдаги аҳоли таркибидаги улушига таъсир кўрсатади.

**Меҳнат юки кўрсаткичлари.** Булар меҳнат ёшида бўлмаган аҳолининг жамият ва иқтисодийга бўлган юкини кўрсатиб беради. Туғилиш жараёнида юз бераётган пасайиш тенденцияси аҳоли таркибида болалар ҳиссасининг камайишига олиб келган бўлса, илгари юқори туғилиш даражаси даврида туғилган авлодларнинг ҳозирги пайтда меҳнат ёшига кириб келишлари меҳнат ресурсларининг улуши юқори бўлишига олиб келди. Натижада меҳнат ресурсларига бўлган болалар юки йилдан йилга камайиб бормоқда (3.1.2-жадвал). 1991 йилдан 2010 йилгача меҳнат ресурсларига бўлган меҳнат юкининг умумий коэффиценти Ўзбекистон бўйича 103,5 дан (яъни, ижтимоий меҳнатда қатнашувчи 100 кишига 103,5 та болалар ва қариялар тўғри келган) 63,6 гача камайган. Шу жумладан, Қуйи Амударё минтақаси ҳудудларида ҳам худди шундай тарзда умумий меҳнат юкининг камайиши юз берган. Масалан, Хоразм вилоятида ушбу даврда умумий меҳнат юки 114,8 дан 67,8 гача камайган.

Иқтисодий-демографик вазиятни таҳлил қилиш, бандлик ва бошқа соҳаларда бевосита бошқарув масалаларини ечиш учун ишлаб турган аҳоли авлодларининг алмашинувини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Бу жараёнини ифодалаш учун банд аҳолининг янгилашиб бориши, уларнинг меҳнати ўрнини қоплаш жараёнларини аниқлаб берувчи **меҳнатни қоплаш коэффиценти** кўрсаткичидан фойдаланилади. Ишлаётганларнинг кўпчилиги меҳнатга яроқли ёшдаги кишилар бўлади. Шунинг учун ҳам меҳнатни қоплаш кўрсаткичи шу ёшдаги аҳоли учун ҳисобланади. У меҳнат ёшига кириб келаётган ёш авлод сонини меҳнат ёшидан чиқиб кетаётган (ёшига кўра, ўлим туфайли ва ҳ.к.) аҳоли сонига бўлиб топилади.

### **3.2. Вилоятда ишчи кучларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари**

Хозирги кунда Хоразм вилоятида меҳнатга яроқли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги қатор чора-тадбирлар кўриляпти:

1. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолияти кучайтирилмоқда;

2. Янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар берилляпти;

3. Меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилди;

4. Аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда;

5. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронлар ва шу каби тоифа аҳолининг иш билан таъминланмоқда;

6. Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этиляпти.

7. Ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон республикаси Президенти Ислон Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда республиканинг ривожланиш истиқболларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013-йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган

мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда” деб таъкидлаган эдилар.<sup>28</sup>

Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш учун зарурий шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда бандлик масалаларини ҳал этишда меҳнат органлари масъулиятини янада кучайтириш мақсадида 2009 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1251-сонли қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарорга мувофиқ, вилоятда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг бугунги иқтисодий эркинлаштириш шароитидаги янги вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу тизимга тегишли таркибий ўзгартиришлар ҳам киритилди. Жумладан, туман (шаҳар) меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига айлантириш ҳамда йирик маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида аҳолини ишга жойлаштириш бўйича стационар пунктлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу марказлар аввалги бўлимлардан тубдан фарқ қилиб, ишсиз аҳолига кўрсатадиган хизмат кўлами кенгайтирилди ва улар зиммасига янги вазифалар юклатилди.

Вилоятнинг барча ҳудудларидаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан банд бўлмаган аҳолига

---

28“Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда республиканинг ривожланиш истикболларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг

мажлисидаги маърузасидан. “Халқ сўзи”, 19 январ 2013 йил.

кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш сифати ва турларини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кейинги беш ичида (2007-2011 йиллар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари томонидан рўйхатга олинган 201,4 минг кишидан 154,1 мингтаси ишга жойлаштирилди (3.2.1. ва 3.2.2. жадваллар). Улардан 5610 таси янги касбларга ўқитилди (1-иловага қаранг). Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 13,8 минг киши жалб қилинди (2-иловага қаранг).

### 3.2.1 -жадвал.

#### Хоразм вилояти Бандликка кўмаклашувчи марказга иш сўраб мурожаат қилганлар\*

| №           | Шаҳар ва туман номлари | Иш сўраб мурожаат қилганлар |              |              |              |              |              |
|-------------|------------------------|-----------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|             |                        | Жами 5 йилда                | шу жумладан  |              |              |              |              |
|             |                        |                             | 2007й        | 2008й        | 2009й        | 2010й        | 2011й        |
| 1           | Урганч ш.              | 20283                       | 4183         | 4774         | 4914         | 3141         | 3271         |
| 2           | Богот т                | 16862                       | 3101         | 3607         | 3759         | 3282         | 3113         |
| 3           | Гурлан т               | 16785                       | 3038         | 3780         | 3943         | 3036         | 2988         |
| 4           | Кушқупир т             | 15625                       | 2537         | 3283         | 3441         | 3195         | 3169         |
| 5           | Урганч т               | 18012                       | 3001         | 3775         | 3948         | 3630         | 3658         |
| 6           | Хазарасп т             | 26483                       | 4776         | 6096         | 6267         | 4698         | 4646         |
| 7           | Хонка т                | 17089                       | 2822         | 3580         | 3741         | 3498         | 3448         |
| 8           | Хива т                 | 23662                       | 4610         | 5405         | 5585         | 3957         | 4105         |
| 9           | Шовот т                | 22589                       | 4732         | 4993         | 4911         | 4361         | 3592         |
| 10          | Янгиарик т             | 13622                       | 2594         | 3108         | 3267         | 2399         | 2254         |
| 11          | Янгибозор т            | 10432                       | 1661         | 2182         | 2335         | 2207         | 2047         |
| <b>Жами</b> |                        | <b>201444</b>               | <b>37055</b> | <b>44583</b> | <b>46111</b> | <b>37404</b> | <b>36291</b> |

\*Жадвал Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларига ушбу йилларда иш сўраб мурожаат қилганларнинг энг кўпи Хазарасп (26,5 минг киши), Хива (23,7 минг киши) ва Шовот (22,6 минг киши) туманларида кузатилди. Бу жараён айниқса 2008 ва 2009 йилларда жуда кучли намоён бўлди (3.2.1 жадвал). Бунинг сабабини ушбу йилларда бошланган жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири билан ҳам, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ишининг кучайтирилганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Ишга жойлаштириш вилоят бўйича 76,5 фоизни ташкил қилган бўлса, Хазарасп туманида 77,4 фоизни, Хива туманида 77,2 фоизни, Боғот туманида 76,9 фоизни ташкил қилган. Энг паст кўрсаткич Шовот туманида кузатилиб, иш сўраб мурожаат қилганларнинг 62,8 фоизигина ишга жойлаштирилган (3.2.2 - жадвал).

### 3.2.2 -жадвал.

#### Хоразм вилояти Бандликка кўмаклашувчи марказга иш сўраб мурожаат қилганларнинг ишга жойлаштирилганлари\*

| №  | Шаҳар ва туман номлари | Ишга жойлаштирилганлар |              |              |              |              |              |
|----|------------------------|------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|    |                        | Жами 5 йилда           | шу жумладан  |              |              |              |              |
|    |                        |                        | 2007й        | 2008й        | 2009й        | 2010й        | 2011й        |
| 1  | Урганч ш.              | 15679                  | 3148         | 3403         | 3625         | 2714         | 2789         |
| 2  | Боғот т                | 13012                  | 2260         | 2582         | 2671         | 2725         | 2774         |
| 3  | Гурлан т               | 12689                  | 2281         | 2555         | 2590         | 2621         | 2642         |
| 4  | Кушқуписр т            | 12208                  | 2107         | 2220         | 2261         | 2809         | 2811         |
| 5  | Урганч т               | 15578                  | 2683         | 3406         | 3194         | 3124         | 3171         |
| 6  | Хазарасп т             | 20540                  | 3800         | 4214         | 4418         | 4047         | 4061         |
| 7  | Хонка т                | 13529                  | 2264         | 2490         | 2536         | 3123         | 3116         |
| 8  | Хива т                 | 18325                  | 3552         | 3861         | 3965         | 3453         | 3494         |
| 9  | Шовот т                | 14176                  | 2882         | 2897         | 2975         | 2683         | 2739         |
| 10 | Янгиарик т             | 10273                  | 1956         | 2181         | 2216         | 1944         | 1976         |
| 11 | Янгибозор т            | 8111                   | 1333         | 1588         | 1622         | 1740         | 1828         |
|    | <b>Жами</b>            | <b>154120</b>          | <b>28266</b> | <b>31397</b> | <b>32073</b> | <b>30983</b> | <b>31401</b> |

\*Жадвал Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарорига асосан 2006-2010 йилларда Хоразм вилоятида 105393 нафар фуқаро меҳнат дафтарчаси олиш ва юритиш тўғрисида ариза берган бўлиб, улардан 24434 нафарига янги меҳнат

дафтарчалари очилди ва меҳнат дафтарчалари аввалдан мавжуд бўлган 80959 нафар фуқаронинг меҳнат дафтарчаларига меҳнат фаолиятини бошланиши тўғрисида ёзув киритилиб уларнинг бандлиги таъминланди.

Мазкур Қарор асосида вилоят бўйича кам таъминланган оилаларга қорамол сотиб олиш учун Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига 3937 та оилага 3507,3 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди (3.3.2-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги 2006-2010 йилларда "Ўзбекистон Республикасида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-325-сонли ва 2007 йил 21 майдаги "2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-640-сонли қарорига асосан 2007-2010 йилларда 3742,9 млн. сўм маблағ ажратилиб 3455 та иш ўринлари яратилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, бандлигини яхшилаш, аҳолини ижтимоий ҳимоясига қаратилган биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Айниқса бутун дунё иқтисодиётига ўта кескин таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда, бу вазифанинг муҳимлиги янада ортди.

2001-2010 йилларда аҳоли бандлигини яхшилаш мақсадида 349599 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 367835 та янги иш жойлари ташкил этилди. Дастурлар талаби 105,2 фоизга бажарилди (3-иловага қаранг). Яратилган иш ўринларининг 266680 таси ёки 72,5 % и кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига, 101522 таси ёки 27.6 % и хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3706-сонли Фармони

билан Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик саноат корхоналарида касаначилик меҳнاتини жорий қилиш амалиёти бошланди.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Олиб борилаётган ишларнинг мантикий давоми сифатида 2007 йил 6 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-616-сонли қарори қабул қилиниб, бу қарор билан касаначилик меҳнатини иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, биринчи галда транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустриясининг йирик корхоналарига, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналарида ҳам жорий этилиши кўзда тутилди.

Касаначиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлардан бири - Базирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 июлдаги "Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 146-сонли қарори бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1112-сонли қарори билан кичик корхоналар ўз уйларида ишлаётган касаначи-фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар, ва

преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолади, яъни йирик корхоналар тоифасига ўтказилмайди.

Вилоятда 2007-2011 йилларда 13775 та касаначилик иш ўринлари ташкил қилинди (4-иловага қаранг). Касаначилик соҳасида иш ўринлари яратаётган корхоналарга ҳамда касаначилик билан шуғулланувчи аҳоли учун ҳам мамлакатимизда рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилди, бугунги кунда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётгани, бу соҳада, биринчи навбатда, хотин-қизлар, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Бунга мисол, 2006-2010 йиллар мобайнида вилоятимизда касаначилар томонидан 5 млрд 62 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Касаначилик учун иш ўринлари очган корхоналарга берилган имтиёзлар ҳисобидан 536 млн 862 минг сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришди.

### **3.3. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари**

Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат шароитларини белгилаш, у ёки бу ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий-меҳнат можароларини бартараф этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар марказий ўрин эгаллайди. Меҳнат бозорида мазкур муносабатлар жамоавий, шахсий ва ҳудудий усуллар асосида тартибга солинади. Жамоавий битимлар тузилаётганда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси», Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Конвенцияси ва тавсияларига асосланилади. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Конвенциясида (54-бандида) таъкидланганидек, “Жамоавий музокаралар, бир томондан, тадбирлар, тадбиркорлар гуруҳи билан, бошқа

томондан эса, меҳнаткашларнинг битта ёки бир неча ташкилоти ўртасида: а) меҳнат шароити ва бандликни белгилаш; б) тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш; в) тадбиркорлар ёки уларнинг ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг ташкилоти ёки ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадларида олиб бориладиган барча музокараларни билдиради”.

Меҳнат бозорида бундай тартибга солишни қўлланишнинг энг муҳим афзаллиги шундаки, унда қабул қилинадиган қарорлар ниҳоятда қайишқоқ (эгилувчан, мослашувчан) бўлади, уларни на қонунчилик, на суд ва на маъмурий усулларга қиёслаб бўлмайди.

Ходим билан тузилган шахсий шартнома иш берувчиси учун анча фойдалидир. Шахсий шартнома тизими меҳнатчининг меҳнат шароити ва унга тўланадиган иш ҳақини шу одамга қараб белгилаш имконини беради. Жамоавий битимларга кўра эса, бундай қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, тузиладиган шахсий битим кўп ҳолларда меҳнаткашларни ижтимоий кафолатларининг каттагина қисмидан маҳрум этади.

Ўзбекистон республикаси Президенти Ислон Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда республиканинг ривожланиш истиқболларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013-йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади” деб таъкидлаб ўтдилар.<sup>29</sup>

---

29“Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда республиканинг ривожланиш истиқболларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. “Халқ сўзи”, 19 январ 2013 йил.

Сўнгги ҳолатни алоҳида ҳисобга олишимиз лозим. Чунки, республикамизда, бир томондан, ишчиларни ёллаб ишлатиш бўйича хусусий тадбиркорлик ва бизнес яхши ривожланмаган бўлса, иккинчи томондан эса, кам таъминланган ҳамда ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган меҳнаткашлар орасида ишсизлар сони ошиб бораёпти.

Буларнинг ҳаммаси меҳнат бозоридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг янги, самарали ҳудудий усулларини, уларни меҳнат ресурслари ортиқча ва етишмайдиган ҳудудларга бўлган ҳолда, тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Жадвал 3.3.1.

**Хоразм вилоятида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, 2012 йили\***

| №  | Шаҳар ва туманлар номи    | 01.01.13 й ҳолатига аҳоли сони | Меҳнат ресурслари                   |                                         | иқтисодий фаол аҳоли | иқтисодиётда банд аҳоли сони | Жами ишсизлар сони |
|----|---------------------------|--------------------------------|-------------------------------------|-----------------------------------------|----------------------|------------------------------|--------------------|
|    |                           |                                | меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони | Ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар сони |                      |                              |                    |
|    |                           | м.киши                         | м.киши                              | м.киши                                  | М.киши               | М.киши                       | Киши               |
|    | <b>Жами вилоят бўйича</b> | 1654100                        | 917900                              | <b>4200</b>                             | 679121               | 643444                       | 35628              |
| 1  | Урганч шаҳри              | 138568                         | 76895                               | 352                                     | 54447                | 51470                        | 2977               |
| 2  | Богот тумани              | 143733                         | 79761                               | 365                                     | 57317                | 54494                        | 2823               |
| 3  | Гурлан тумани             | 132085                         | 73298                               | 335                                     | 59265                | 56230                        | 3035               |
| 4  | Кушқупир тумани           | 150115                         | 83303                               | 381                                     | 60864                | 57361                        | 3503               |
| 5  | Урганч тумани             | 171285                         | 95050                               | 435                                     | 70842                | 67346                        | 3496               |
| 6  | Хазорасп тумани           | 219196                         | 121637                              | 557                                     | 89664                | 85004                        | 4660               |
| 7  | Хонка тумани              | 163688                         | 90834                               | 416                                     | 64466                | 60937                        | 3529               |
| 8  | Хива тумани               | 208358                         | 115623                              | 529                                     | 87088                | 82787                        | 4301               |
| 9  | Шовот тумани              | 147481                         | 82841                               | 374                                     | 61030                | 57375                        | 3655               |
| 10 | Янгиарик тумани           | 102406                         | 56828                               | 260                                     | 42733                | 40437                        | 2296               |
| 11 | Янгибозор тумани          | 77185                          | 42830                               | 196                                     | 31405                | 30004                        | 1401               |

\*Хоразм вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

Республиканинг меҳнат ресурслари ортиқча ҳудудлари, аввало, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари учун мазкур бозорни тартибга солишнинг анча самарали усуллари деб, ишчи кучига бўлган талабнинг ошиши ва унинг таклифи камайишини ҳисоблаш зарур.

Ишчи кучларига бўлган таклифни камайитириш, шунингдек, уларни меҳнат бозорига оқиб келишини қисқартириш ва ҳаракатчанлигини рағбатлантириш ҳамда иш вақти ва мавжуд иш жойларини ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали самарали ташкил этиш мумкин. Республикамизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида умумтаълим дастурларини кенгайтириш ва ўқиш муддатини узайтириш билан касбий тайёргарликни яхшилаш, ўқув юртларида кундузги таълим оладиган талаба ўринларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганларга стипендияларни ошириш, аёлларга бола парвариш учун тўланадиган нафақалар ва бериладиган таълим муддатини кўпайтириш. Меҳнат стажини ҳисоблашда уларга имтиёз бериш; пенсионерлар, ногиронлар ҳамда уларни парваришлайдиган шахсларнинг пенсияларини ошириш – меҳнат бозорида ишчи кучларини оқиб келишини камайитириш чора-тадбирлари ҳисобланади.

Иш билан бандлар орасида иш вақти ва иш жойлари ишчи кучларига бўлган таклифни камайитириш мақсадларида қайта тақсимланади. Аҳоли бандлигининг хусусий ва вақтинчалик шаклларига ўтишларини рағбатлантиришга уларга ҳам иш билан тўла банд қилинган шахсларга мўлжалланган ижтимоий таъминотнинг турларини, таътиллار ва ижтимоий кафолатларнинг миқдорларини ўрнатиш, кафолатларган энг кам миқдордаги иш ҳақи билан таъминлаш, ҳар йили бериладиган таътилларни ўз вақтида бериш, иш куни ва иш ҳафтаси давомийлигини қисқартириш орқали эришиш мумкин.

Ривожланган бозор муносабатлари шароитларида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш – рақобат, фойдани тақсимлаш

механизми, солиқ сиёсати каби умумхўжалик механизмлари ва дастаклари ёрдамида таъминланиши лозим. Ҳозирги пайтда саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишни рағбатлантиришнинг умумхўжалик механизмлари яхши такомиллаштирилмаганлигини ҳисобга олиб, меҳнат ресурслари учун илгари жорий қилинган тўловларни қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир. Улар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва штатдан ташқари ходимлар сонини камайтиришга кўмаклашади. Бу хил тўловлар корхона ва ташкилот томонидан штатдан ташқари сақлаш учун қатъий ставка шаклида ўрнатилади. Шу билан бирга, ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатлар ўрнини қоплаш учун ижтимоий суғурта солинадиган махсус солиқ (иккаласи ҳам – меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фоизларда)дан фойдаланиш мумкин. Ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларда қабул қилинган бундай тизими меҳнатдан фойдаланишнинг интенсив шакллари ифодалайди ҳамда меҳнат бозоридаги ходимнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофазаланиши учун зарур кафолатларни яратади;

Ҳозирги шарт-шароитларда меҳнат бозорига ишчи кучлари таклифини мутлоқ кўпайтиришга қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ва шохобчалари ҳамда шахсий меҳнат фаолияти соҳаларининг ривожини жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда ишчи кучи таклифи на касб, на малака структураси бўйича ҳудуд иқтисодиётининг ноқиишлоқ ишлаб чиқариш тармоқларидаги жонли меҳнатга талабнинг ўсиш суръатига жавоб бермайди. Шу боис ишчи кучи таклифининг сифат кўрсаткичларини ўзгартириш ҳамда унинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш лозим. Бунинг учун эса, бандлик давлат хизмати тизимидаги ва бошқа ўқув юртларидаги ходимларнинг малакасини оширишни ташки этиш, корхоналарнинг ўзидаги махсус курсларда касб-корга ўргатишни яхшилаш ва уларга солиқ тўловида имтиёзлар бериш маҳаллий кадрлар рақобатбардошлигини оширишнинг мақсадли махсус дастурини ишлаб

чиқиш керак.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва фаровонлигини ошириш йўналишида ишга жойлашмаган ва вақтинчалик ишларда банд бўлган аҳоли қатламини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Хоразм вилоятида ишсизлик даражаси Фарғона (иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 5,5 %), Андижон (5,5 %), Наманган (5,4 %), Самарканд (5,4 %) вилоятларидан кейин республикада энг юқори кўрсаткичлардан саналади (5,2 %). Бу нисбий кўрсаткич мутлоқ сонларда 32,2 минг кишини ташкил қилади. Шу билан биргаликда вилоятда 80,7 минг киши вақтинчалик ва мавсумий ишларда банд бўлганлар (3.3.2-жадвал).

### 3.3.2-жадвал

#### Ишга жойлашмаган ва вақтинчалик ишларда банд бўлган аҳоли, 2010 йил\*

| №  | Худудлар<br>(вилоятлар) номи | Ишсизлар<br>сони<br>(киши) | Ишсизлик<br>даражаси<br>(%) | вақтинчалик ва<br>мавсумий<br>ишда банд<br>(киши) |
|----|------------------------------|----------------------------|-----------------------------|---------------------------------------------------|
| 1  | Жиззах                       | 17 429                     | 4,2%                        | 54 684                                            |
| 2  | Сирдарё                      | 14 438                     | 4,3%                        | 32 781                                            |
| 3  | Тошкент в.                   | 53 239                     | 4,5%                        | 186 203                                           |
| 4  | Тошкент ш.                   | 40 597                     | 3,4%                        | 80 070                                            |
| 5  | Андижон                      | 61 725                     | 5,5%                        | 201 354                                           |
| 6  | Наманган                     | 45 081                     | 5,4%                        | 115 674                                           |
| 7  | Фарғона                      | 76 216                     | 5,5%                        | 228 644                                           |
| 8  | Бухоро                       | 38 306                     | 4,9%                        | 82 560                                            |
| 9  | Навоий                       | 21 668                     | 5,1%                        | 38 364                                            |
| 10 | Самарканд                    | 68 002                     | 5,4%                        | 174 795                                           |
| 11 | Қашқадарё                    | 50 593                     | 5,1%                        | 150 956                                           |
| 12 | Сурхондарё                   | 39 914                     | 5,1%                        | 115 100                                           |
| 13 | Хоразм                       | 32 217                     | 5,2%                        | 80 754                                            |

\* \*\*Жадвал Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг инновацион турига ўтиш натижасида Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг инновацион

йўналиши кучайганлигини акс эттирувчи ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётида ўзлаштирилган инвестицияларнинг 70 фоизга яқини ишлаб чиқариш секторига, шу жумладан ярмидан кўпи техник ва технологик модернизациялашга йўналтирилган. 2006-2010 йилларда хорижий ва давлат капитал қўйилмаларини кўпайтириш натижасида фан ва технологиялар ривожланишини уйғунлаштиришни яхшилаш, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш имконияти яратилди. Мана шундай сайъи ҳаракатлар туфайли, ЯИМ даги юқори технологияли маҳсулотлар улуши 2000 йилдаги 3,5 фоиздан 2010 йилда 6,8 фоизга етказилди<sup>30</sup>.

**Хоразм вилоятида меҳнат бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истикболлари.** Аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш белгиланган.

Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосий йўналишлардан ҳисобланади.

Аҳоли бандлигини ошириш ва иш ўринларини кўпайтириш борасида вилоят иқтисодиёти олдидаги вазифалар:

1) янги иш жойларини яратиш буйича 2013 йилга белгиланган дастур параметрларининг бажарилишини таъминлаш;

2) ҳар бир шаҳар ва туман кесимида “2013 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”нинг манзилли рўйхатларини ҳар бир корхона, объект бўйича ишга тушириш режасини

---

<sup>30</sup> Расулов Н.М. Нациоанальная инновационная система и ее влияние на повышение конкурентоспособности экономики. Двадцать шестые международные Плехановские чтения. Тезисы докладов. Москва 2013. С.236.

(“тармок графиги”ни) тасдиқлаган ҳолда, тасдиқлаш ва назоратини амалга ошириш;

3) 2013-2015 йилларда кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари ва объектларни ишга туширишнинг аниқ манзилли рўйхатларини шакллантириш;

4) ҳар бир туман, шаҳарда ҳокимлар бошчилигида янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чораларини кўриш, манзилли дастурга киритилган корхоналарнинг ташкил этилиши ва фаолият юритишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан рўйхатдан ўтказиш, моддий-техника ресурсларидан ва муҳандислик коммуникацияларидан фойдаланиш, дастлабки сармояни шакллантириш ва кредитлар олиш, маҳсулотни сотиш каби муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш чораларини амалга ошириш;

5) касаначилик иш жойларини кўпайтириш борасида туман (шаҳар)ларда ишини кескин жонлантириш, мавжуд касаначилик иш жойларини сақлаб қолиш ва 2013 йил манзилли дастури ижросини таъминлаш;

6) ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилма объектларини лойиҳаларини амалга оширишга ишсизларни жалб этиш;

7) банд бўлмаган аҳолини ижтимоий ҳимоясини кучайтириш (ишсизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш, касбга қайта ўқитиш ва ш.к.)

8) Обод турмуш йилида ёшлар, жумладан коллеж битирувчилари ва ҳарбий хизматдан қайтганларнинг ҳар бири билан ишлаб, тўлиқ иш билан, жумладан захира килинган иш жойларига таъминлаш.

9) кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, бундай оилалардаги меҳнатга лаёқатли ёшларни биринчи навбатда иш билан таъминлаш ва ўз ишини бошлашларига кўмаклашиш

Хоразм вилоятининг туманлари бўйича ишга жойлашмаган ва вақтинчалик ишларда банд бўлганларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ишсизлар сони Хазарасп (4,2 минг киши), Қўшқўпир (4,0 минг киши), Хива

(3,5 минг киши), Боғот (3,5 минг киши) туманларида энг юқори кўрсаткичга эгадир (2.3.4-жадвал). Шунга мос равишда ишсизлик даражаси кам Қўшқўпир (7,5 %), Боғот (5,9 %), Хива (5,4 %) ва Урганч (5,4 %) туманларида вилоятда энг юқоридир. Бундан ташқари ушбу туманларда вақтинчалик ва мавсумий ишда банд бўлганлар миқдори кам юқоридир. Улар Хазарасп (11,3 минг киши), Боғот (9,7 минг киши), Урганч (9,5 минг киши) туманларида, Урганч шаҳрида (9,5 минг киши) ва Гурлан туманида (9,1 минг киши) кўпчиликини ташкил қилади.

### 3.3.3-жадвал

#### Ишга жойлашмаган ва вақтинчалик ишларда банд бўлган аҳоли, 2009 йил\*

| №  | Туман (шаҳар)лар номи | Ишсизлар сони (киши) | Ишсизлик даражаси (%) | Вақтинчалик ва мавсумий ишда банд (киши) |
|----|-----------------------|----------------------|-----------------------|------------------------------------------|
| 1  | Қўшқўпир тумани       | 3 960                | 7,5%                  | 4 555                                    |
| 2  | Боғот тумани          | 3 512                | 5,9%                  | 9 670                                    |
| 3  | Хива тумани           | 3 549                | 5,4%                  | 5 160                                    |
| 4  | Урганч тумани         | 3 290                | 5,4%                  | 9 508                                    |
| 5  | Хазарасп тумани       | 4 206                | 5,2%                  | 11 346                                   |
| 6  | Ҳонқа тумани          | 3 177                | 5,2%                  | 6 815                                    |
| 7  | Гурлан тумани         | 2 681                | 5,1%                  | 9 066                                    |
| 8  | Урганч шаҳри          | 2 857                | 4,9%                  | 9 518                                    |
| 9  | Шовот тумани          | 2 329                | 4,7%                  | 5 046                                    |
| 10 | Янгиариқ тумани       | 1 520                | 3,9%                  | 5 290                                    |
| 11 | Янгибозор тумани      | 1 136                | 3,2%                  | 4 780                                    |

\*Жадвал Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Хоразм вилоятининг ушбу туманларида вужудга келган бундай муаммолар янги иш жойларни яратишда суғуриш йўли қўйиш оқибатлари ҳисобланади.

Айниқса, иш жойларини янги яратилган иш жойлари қисобига ташкил юқоридаги ва бошка туманларда яхши йўлга қўйилмаган. Шовот туманида яратилган иш жойларининг бор йўғи 16,2 % янги корхоналар қисобига ташкил қилингандир (2.3.4-жадвал). Худди шундай Хонқа (18,1 %), Гурлан (18,6 %), Янгибозор (18,6 %) туманларида иш ўринларининг Янги корхоналар қисобига ташкил қилиниши даражаси анча пастдир.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодийни модернизациялаш ва инновацион ривожланиш шароитида аҳолини иш билан таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси, шу жумладан, Хоразм вилоятида юз бераётган жараёнларни тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди.

**1. Иқтисодийни модернизациялаш ва инновацион ривожланиш шароитида аҳолини иш билан таъминлаш борасида кейинги йилларда жуда катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилди;**

Бугунги кунда мамлакатда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагиларни қамраб олади:

- Аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатбардош касб-ҳунарларга ўргатиш.

- Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашга эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутди.

- Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, глобал инқироз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

**2. Иш ўринларини ташкил этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилишда муҳим**

ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлди;

- хўжаликни ташкил этишнинг ихчамлиги ва уларнинг бозор муҳитига тезда мосланувчанлиги;

- хўжалик аъзоларининг маълум бир оилага мансублиги;

- оила маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги;

- меҳнатни ташкил қилишдаги ва хўжаликни бошқаришдаги қулайликлар.

3. Вилоятда меҳнат ресурслари тез суръатларда ўсиб бораётган шароитда ишчи кучларидан фойдаланишнинг демографик жихатлари асослаб берилиши бу жараёни самарали ташкил қилиш имконини беради;

- туғилиш жараёнида юз бераётган пасайиш тенденцияси аҳоли таркибида болалар ҳиссасининг камайишига олиб келган бўлса, илгари юқори туғилиш даражаси даврида туғилган авлодларнинг ҳозирги пайтда меҳнат ёшига кириб келишлари меҳнат ресурсларининг улуши юқори бўлишига олиб келди. Натижада меҳнат ресурсларига бўлган болалар юки йилдан йилга камайиб бормоқда.

1991 йилдан 2010 йилгача меҳнат ресурсларига бўлган меҳнат юкининг умумий коэффиценти Ўзбекистон бўйича 103,5 дан (яъни, ижтимоий меҳнатда қатнашувчи 100 кишига 103,5 та болалар ва қариялар тўғри келган) 63,6 гача камайган. Шу жумладан, Хоразм вилоятида ушбу даврда умумий меҳнат юки 114,8 дан 67,8 гача камайган.

- меҳнатни қоплаш коэффицентини Хоразм вилоятининг 2006-2011 йиллардаги меҳнатни қоплаш коэффицентини ҳар йили нафақага чиқиб кетадиган аҳоли ўрнини шу йили меҳнат ресурслари таркибига кириб келадиганлар нисбати билан аниқлаганда вилоятда йиллик меҳнатни қоплаш коэффиценти 2006 йилда ҳар бир меҳнат ресурсига 5,6 ўрнини қоплайдиган захира кириб келишини кўрсатади. 2001 йилга келиб бу кўрсаткич 5,3 захирани ташкил қилади.

4. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг асосий йўналишлари ва

истикболлари белгилаб берилган ва уни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган республикамиз меҳнат бозорининг ривожланиш концепциясининг асосий мақсади – меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини камайиши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, инфляциянинг мавжудлиги муаммоларини ҳал қилишдир. Мулкчиликнинг турли шакллари секинлик билан вужудга келиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни жуда секинлик билан амалга оширилиши, ҳақиқий даромадларининг камайиши каби ишчи кучи талабини ошириш ва унинг таклифини камайитириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Улар ўтиш даври Ўзбекистон миллий иқтисодиётини чуқур, таркибий ва эркинлаштиришни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларига асосланиб ишлаб чиқилади.

Хозирги кунда Хоразм вилоятида меҳнатга яроқли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги қатор чора-тадбирлар кўриляпти:

1. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолияти кучайтирилмоқда;
2. Янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар бериляпти;
3. Меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилди;
4. Аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда;
5. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронлар ва шу каби тоифа аҳолининг иш билан таъминланмоқда;

6. Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этиляпти.

7. Ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

**Аҳоли бандлигини ошириш борасида жойларда қуйидаги муаммолар ва камчиликлар аниқланди:**

1. Иш билан таъминланишга мухтож аҳоли сонининг кўплиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги
2. Яратилаётган янги иш жойлари сони олдинги йилга нисбатан кам, меҳнат бозоридаги салбий номувофиқлик;
3. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали иш жойларини кўпайтириш чоралари курилмаётганлиги
4. Касаначилик иш жойларини кўпайтириш имкониятлари ишга солинмаётганлиги
5. Янги объектларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ишлари (натижасиз)
6. Инвестицияларни, жумладан хориждан, жалб этиш буйича фаол ҳаракат йуқлиги

**Ушбу камчиликларни бартараф этиш йўлида аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш ва унда қуйидаги асосий асосий йўналишларни белгилаб кўрсатишни таклиф қиламиз:**

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- Уй меҳнати (касаначилик)ни ривожлантириш;
- Хизмат курсатиш соҳаларини ривожлантириш;
- Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш;
- Мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш ҳисобига иш ўринларини кўпайтириш;
- Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш
- Инқирозга қарши дастурга мувофиқ қўшимча чора-тадбирлар

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

### **Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Президент Фармонлари ва асарлари**

1. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда республиканинг ривожланиш истиқболларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 19 январ 2013 йил.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. Каримов И. А.— свой путь обновления и прогресса. Т.: «Узбекистан», 1992.
5. Каримов М.А. – собственная модель перехода на рыночные отношения. Т.: «Узбекистан», 1992. 71 с.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Тошкент: Узбекистан, 2009 йил. — 35-6.
7. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир Ўзбекистан Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси/Халқ сўзи, 14 февраль 2007 й.

8. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Янги тахрирда). Тошкент, 1998.
9. Мехнат кодекси. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ишга жойлаштиришга мухтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисидаги» №106-сонли 24.05.07 йилдаги Фармойиши.

### **Илмий адабиётлар**

11. К.Х. Абдурахманов «Мехнат иктисодиёти» Тошкент, «Мехнат» 2004., 207
12. Абдурахмонов К.Х., Мамарасулов Ф.У. Аҳолининг иш билан бандлиги инфраструктураси. Т.: 2000 й.
13. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: демографическая история и современность. Т.: 2009. 223 с.
14. Бондарева Н.И. Методические вопросы исследования системы управления интеллектуальной собственностью. Научные труды ИНП АН России. - М., 2008. - С. 341.
15. Егоров В.Д. Трудовой потенциал населения: формирование и использование в условиях реформирования экономики / Науч. ред. Л.И. Липатова – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2003, С.27.
16. Кейнс Ж.М. Общая теория занятости, денег и процента. М.: 1936.
17. Коровкин А.Г. Динамика занятости и рынка труда: вопросы макроэкономического анализа и прогнозирования. – М., МАКС Пресс, 2001.
18. Котляр М. Экономико-демографические проблемы занятости // Демографические аспекты занятости. – М., 1976. – С.4-5.
19. Миграция и рынок труда в странах Средней Азии. Москва – Ташкент, 2002.

20. Основы экономической безопасности (государство, регион, предприятие, личность): Учебно-практическое пособие под редакцией Олейникова Е.А. — М.: ЗАО «Бизнес школа Интел-синтез», 1997.
21. Рузметов Б. Программа стабилизации региональной экономики: опыт, проблемы, эффективность. Т.: «Фан», 1993.
22. Рузметов Б. Региональная экономика: опыт, проблемы, эффективность комплексного развития региона. Т.: «Фан», 2002.
23. Садуллаев А. Меҳнат бозори ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш. Урганч: 1997.
24. Топилин А.В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития. М., 2004. С.11.
25. Ускова Т. Производительность труда — главный фактор роста экономики. Экономист, №10, 2009. — С. 15.
26. Холмуминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти. Т.: 2000 й.
27. Экономическая безопасность. Производство-Финансы-Банки / Под редакцией академика В.К. Сенчакова. — Москва: ЗАО «Финстатистформ», 1998. - С.71.

### **Илмий мақолалар**

28. Ахмедов И.А. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда инновациялар моҳияти. “Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти: ҳозирги ҳолати ва улардан фойдаланиш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман тезислар тўплами. Тошкент, 2011. 33 б.
29. Л.Максакова. Миграция и предпринимательство. «Экономическое обозрение» 2006 – 2.
30. Садуллаев А. Региональные особенности регулирования рынка труда. Двадцать шестые международные Плехановские чтения. Тезисы докладов. Москва 2013. С.146.

31. Садуллаев А. Минтақа меҳнат салоҳиятидан унумли фойдаланиш имкониятлари. “Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти: ҳозирги ҳолати ва улардан фойдаланиш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман тезислар тўплами. Тошкент, 2011. 177 б.
32. Садуллаев Ш.А. Демографические факторы регулирования рынка труда. Двадцать шестые международные Плехановские чтения. Тезисы докладов. Москва 2013. С.148.
33. Садуллаев Ш.А. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг минтақавий хусусиятлари. “Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти: ҳозирги ҳолати ва улардан фойдаланиш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман тезислар тўплами. Тошкент, 2011. 308 б.
34. Расулов Н.М. Нациоанальная инновационная система и ее влияние на повышение конкурентоспособности экономики. Двадцать шестые международные Плехановские чтения. Тезисы докладов. Москва 2013. С.236.
35. Шадиев Р.Х. Рынок труда: вопросы теории и практики. Материалы семинара Всемирного Банка по социальным проектам. М.: МГУ, 2001.
36. Шакирова К.Ф. Особенности инновационного типа развития национальной экономики. Двадцать шестые международные Плехановские чтения. Тезисы докладов. Москва 2013. С.242.

#### **Авторефератлар**

37. Максакова Л.П. Проблемы обеспечения занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан в переходном периоде к рынку. Автореферат докт. диссерт. Т.: 1995. 42 с.

#### **Статистик тўпламлар**

38. СНГ в 2003 г. Статистический справочник. — М., 2004. — С. 125.
39. Труд и занятость в Узбекистане. Госкомстат Узбекистана. — Ташкент, 2007. — С. 30;

- 40.Труд и занятость в Узбекистане. Госкомстат Узбекистана, 2009. — С. 31.
- 41.Труд и занятость в Узбекистане. Госкомстат Узбекистана, 2011. — С. 93.
- 42.Доклад о человеческом развитии. Т.: 2011.

**Интернет маълумотлари:**

43. Статкомитет СНГ ([www.stsstat.com](http://www.stsstat.com)).